Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 79 (9065). | • 1987 йил 24 апрель • жума • | Баҳоси 3 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ 1 МАЙГА

● МУЯССАР Юнусова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам тўқувчиларидан. У бирлашмада иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида коллектив ўртасида ҳурмат-эътибор ортгирди. Ёш ишчи ҳамиша сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. М. Юнусова май байрамини ҳам муносиб кутиб олмоқда. Тўқувчи шахсий планларини белгиланганидан анча олдин бажаришга ҳаракат қилаётир.

● ТОШКЕНТ подшипниклар ремонти заводининг пресслов чиси Муяссар Тўйчиевани корхонада кўпчилик яхши танийди. Коммунистик меҳнат зарбдори, пешқадам ишчи доим графикдан ўзиб ишлайди. У смена нормаларини 140—150 процентга етказиб бажариб, шу кунларда кейинги ой ҳисобига маҳсулот топширмоқда. М. Тўйчиева Биринчи Май байрами шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада ҳам актив иштирок этиб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

● ОХУНБОБОЕВ номли область енгил саноат ходимлари мукофоти лауреати Наталья Панкина кўп йиллардан бери «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. План топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Илғор тикувчи байрамолди меҳнат вахтасида ҳам илғорликни қўлдан бермай келаяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИГА ЖАВОБАН

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги юбилейи шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этаётган «Главташкентстрой» 159-трестининг 9-қурилиш бошқармаси коллективи ҳам йил бошидан оқилона иш юритиб, дуруст натижаларга эришаяпти. Бунёдкорлар ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили биринчи кварталида пудрат бўйича планни 100,5 процентга етказиб бажардилар. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи эса 107,1 процентни ташкил этди.

Бошқармада участкалар, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа намунали ташкил этилиб меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тежамкорлик учун кураш, илғор иш усулларини оммалаштиришга катта аҳамият берилаётганлиги муваффақиятлар омили бўлаяпти. Азамат қурувчилар ҳозирги кунда пойтахтимизнинг кенжа Калинин массивида 1276 ҳамда Қорасув массивида 1568 ўринли янги мактаблар қурилишида, 3-уйсозлик комбинатини реконструкциялашда қатнашмоқдалар. Мазкур объектлар қурилишида Қўчқор Йўлдошев, Владимир Гоммер, Медавой Тошматов, Виктор Петров, Вячеслав Мюллерлар етакчилигидаги бригадалар коллективлари вақтдан ўзиб ишлаб, ўзаро беллашувда карвонбошиликни қўлдан бермай келишяпти.

— Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 1 Май чақириқларидан руҳланган ҳолда баҳор айёмини муносиб тўйёналар билан кутиб олиш учун барча объектларда фидокорона меҳнат қилаяпти, — дейди бошқарма бошлиғи Аҳрор Саидов. — Биринчи кварталда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ҳамда юбилей йилида зиммага олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдираверамиз.

Бошқарма бинокорлари юбилей йили планини 25 декабргача адо этиш, йил охиригача бош пудрат бўйича 74 минг, ўз кучлари билан эса 50 минг сўмлик қўшимча қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилишган. Айни кунларда бунёдкорлар майолди социалистик мусобақасини авж олдирган ҳолда барча объектларда қурилиш ишларини кўтаринки руҳда олиб бормоқдалар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

БАЙРАМ КУНЛАРИ ТЕЖАЛГАНИ ҲИСОБИГА

ЎЗБЕКИСТОН граждан авиацияси бошқармасининг Тошкент авиаотряди коллективи ҳам Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Кўплаб ҳаво авиалайнери бригадалари, ремонт коллективлари зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишмоқда. «ТУ-154», «ТУ-134», «АН-24», «ИЛ-86» самолётлари командирлари А. Араббоев ва А. Оперштейн, А. Солаев, И. Серлицкийлар, почта-юк ташиш хизматининг учта бригадаси ҳамда авиатехбаза 7-цехининг 16 илғор меҳнат коллективи Улуғ Октябрь юбилейигача 2 йиллик планни бажаришга аҳд қилган. Шунингдек, 7—8 ноябрь кунлари барча учиш отрядлари фақат тежалган ёқилғи ҳисобига ҳаво лайнерларини бошқарадилар.

Б. АЛИХОНОВ.

ПИСКЕНТГА ЁРДАМ

904-СЧЁТГА

* «УзҲЛОДОТОРГМОНТАЖ» тажриба ремонт-механика заводи коллективи республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, 24 минг сўм пул билан мукофотланган эди. Коллектив бу маблағни Тошкент областининг тошқиндан зарар кўрган районларига юборишга қарор қилди.

* ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги 40-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ёрдам фондига 120 сўм, марказий телеграф коллективи 463 сўм пул ўтказди.

* ҲАМЗА НОМЛИ Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи «Зебуннисо» спектаклидан тушган бир кунлик маблағни 904-счётга ўтказишга қарор қилди.

НОМЗОДЛАРГА НАКАЗЛАР ҲАМ БЕРИЛЯПТИ

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Яқинда Новомихайловск луб заводи коллективининг умумий йиғилишида кўпчилик Л. Кошелевани Янгийўл район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Йиғилишда сўзга чиққан оддий ишчи Робия Темирасанова, Вера Грибуцкаялар ҳамкасбларининг энг яхши фазилатлари ҳақида гапириб, унинг халқ депутати сифатида жамоат ишларини ҳам бемалол уддалашига катта ишонч билдирдилар.

Раҳим Жалолов «Коммунизм» колхозининг илғор бригадаларидан бирига раҳбарлик қилади. Бу коллектив ҳар йили план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажараяпти. Меҳнатда эришаётган катта ютуқлари учун ўтган йили бригада бошлиғи Ленин ордени билан мукофотланди.

Тажрибали деҳқон фақат меҳнатда эмас, балки жамоат ишларида ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётир. У район Советининг депутати сифатида колхознинг магистрал кўчасини реконструкция қилиб кенгайтириш, қишлоқ территориясини ободонлаштириш, социал-маданий объектларни кўпайтириш, уларнинг ишини тартибга солишда актив қатнашмоқда. Ўз депутатлари ишидан мамнун бўлган «Коммунизм» колхози аъзолари яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишда уни Янгийўл район Совети депутатлигига яна қайта номзод қилиб кўрсатдилар.

Шу йиғилишда район Совети депутатлигига жами саккиз номзод кўрсатилди. Навбат оддий колхозчи Гулсара Асенбоева номзодига келганда у билан бир бригадада ишлайдиган Басоҳат Шарипова сўз олди.

— Мен дугонам номзодини бутун бригадамиз аъзолари номидан мамнунлик билан қўллаб-қувватлайман,— деди у ҳаяжон билан.— Коллективимиз аъзоларининг умумий фикри шундай.

— Тўғри, Гулсара энг муносиб номзодлардан,— деди Азим Тиллаев.— У комсомол ишларида ҳам жуда актив. Энди депутат сифатида ўзини кўрсатадиган пайт келди.

Унинг фикрини Зулфи Ашурова давом эттирди:

— Гулсара ёш, ҳаракатчан, ишнинг кўзини билади. Аммо район Советининг депутати учун бу етарли эмас, деб ўйлайман. У сиёсий онгини ошириши, Советлар ишини, депутатнинг ваколати, бурчи ва ҳуқуқига оид билимини ошириши лозим. Бизнинг номзодга берадиган дастлабки наказимиз шундай.

Умумий йиғилиш қатнашчилари Гулсара Асеновани Янгийўл район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Маълумки, ҳозир областнинг шаҳар ва районларидаги меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда маҳаллий Советлар депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун бирйўла бир неча кишининг номзоди муҳокамага қўйилмоқда. Масалан, Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг 2-бўлими коллективи йиғилишида Жамбул қишлоқ Советига бўладиган сайловга депутат номзодини кўрсатиш пайтида икки номзод тилга олинди. Чунки бу сафар номзодларни кўрсатиш йиғилганларнинг ихтиёрига ҳавола этилди. Йиғилишда сўзга чиққан тўрт кишидан уч нафари чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган Улбека Асилбекович қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди. Овоз бериш пайтида бу таклиф кўпчиликка маъқул тушганлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, кўп овоз олган чўпон ёрдамчиси У. Асилбекова 13-сайлов округидан Жамбул қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА, ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. НИШОНОВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Шу кунларда Совет Иттифоқи халқлари, қардош социализм мамлакатларининг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният Коммунистик партия билан дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси, пролетар революциясининг мислсиз стратеги ва тактиги, социализмнинг гениал меъмори, халқаро ишчилар синфининг, бутун дунё меҳнаткашларининг доно йўлбошчиси — Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 117 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

Йиллар, ўн йиллар, асрлар ўтади, одамларнинг янги авлодлари вояга етади, аммо Лениннинг мудом азиз номи планета халқларининг хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Инсоният тараққиётидаги энг чуқур, ҳақиқатан ҳам улуғвор ўзгаришлар унинг номи билан боғланган. Лениннинг номи янги даврнинг рамзи бўлиб қолди, инсоният цивилизациясининг ҳозири ва келажаги билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетди.

Ленин таълимоти ва иши, унинг буюк ҳаёт жасорати совет кишилари учун, бутун дунё меҳнаткашлари учун илҳом ва умидбахшликнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қилмоқда, революцион кураш ва ижодий бунёдкорлик йўлини ёритмоқда.

Советлар мамлакатини ривожлантиришнинг аввалги барча босқичларида ҳам, ҳозир ҳам биз Лениннинг ижодий лабораториясига қайта-қайта мурожаат этиб, унинг ғоявий меросидан воқелик ҳодисаларини илмий таҳлил этиш, ғоят мураккаб назарий ва амалий проблемаларни ҳал этишга чинакам новаторларча ёндашишнинг ниҳоятда қимматли сабоқларини олмоқдамиз.

Партия совет жамияти турмушининг ҳозирги бурилиш босқичини кенг қўламда, ленинча идрок этиб, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида ва ўзининг XXVII съездида мамлакатни олга ҳаракат қилдиришнинг ғоят дадил ва айни вақтда жуда реалистик программасини олга сурди, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегиясини, қайта қуриш стратегиясини ҳар томонлама асослаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми вужудга келган вазиятни англашимизни анча чуқурлаштирди, қайта қуриш назарияси асосларини таърифлаб берди, уни чуқурлаштириш йўллари ва методларини белгилади, партия билан халқ сиёсий фаолиятининг бутун жабҳаси бўйлаб қайта қуриш вазифаларини конкретлаштирди.

Партиянинг кўп йиллар мобайнида қиладиган ишларининг асосий йўналишларини белгилар эканмиз,— дейди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, «Биз Владимир Ильич Ленинга, унинг фикрларига, ғояларига доимо мурожаат этаяпмиз. Бу — шунчаки зўр ҳурмат нишонаси эмас, Лениннинг обрў-эътиборини тан олишгина эмас. Бу — ленинизм руҳини ҳозирги шароитда қайта тиклаш ва имкони борича тўлиқроқ қайта тиклашга, турмушимизда кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор тондиришга саботли интилишдир».

«Жадаллаштириш» ва «қайта қуриш» деган сўзлар турмушимизга жуда сингиб кетди, бунёдкорлик ишларимизнинг моҳиятини белгилаб берди. Ўсишнинг янги сифати, фан-техника тараққиёти, экономикани структуравий жиҳатдан қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формалари асосида ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлаш ана шу сўзларнинг моҳиятидир.

Жадаллаштиришга, қайта қуришга қаратилган йўл — актив социал сиёсатни ўтказиш ҳам демакдир. Бу — сиёсий ҳамда идеологик ташкилотларнинг иш формалари ва методларини янгилаш демакдир. Бу — социализмга ёт хусусиятларни, фикрлашдаги қолоқ усулларни тубдан бартараф этиш демакдир.

Қайта қуриш — янгиликнинг эскилик билан, принципиалликнинг принципсизлик билан, социал-сиёсий активликнинг пассивлик билан, соғлом турмуш тарзининг ичкиликбозлик ва гиёвандлик билан қатъий ҳамда муросасиз кураши, пайдо бўлган барча социал иллатлардан фориғ бўлишдир.

Биз бу йил Ленин санасини жамият социал-иқтисодий тараққиётидаги салбий ҳодисаларни тезроқ бартараф этиш, унга зарур жўшқинлик ва жадаллик бағишлаш, келгусига мўлжалланган қарорлар ғоят аниқ-пухта ва масъулиятли, конкрет ҳаракатлар эса собитқадам ва самарали бўлиши учун ўтмишдан энг кўп даражада сабоқ чиқариб олиш заруллиги тўғрисидаги фикр билан нишонламоқдамиз.

КПСС раҳбарлари эришилган натижаларга муносиб баҳо бериш билан бирга XXVII съездда ва Марказий Комитетнинг январь Пленумида сиёсий ва амалий фаолиятдаги камчиликлар, экономика ва социал-маънавий соҳадаги нохуш тенденциялар ҳақида, бундай ҳодисаларнинг сабаблари тўғрисида партия билан халққа Ленин таълим берганидек, аччиқ ва оғир ҳақиқатни ҳалол, мардона, дангал айтдилар. Сусткашлик, бошқарув форма ва методларининг қотиб қолганлиги, ишдаги жўшқинликнинг пасайиши, бюрократизмнинг кучайиб бориши, ҳукм сураётган лоқайдлик ва хотиржамлик, ўзига маҳлиё бўлиш ва қуюшқондан чиқиб кетиш муҳити, сўз билан иш ўртасидаги тафовут — ана шуларнинг ҳаммаси ишга катта зиён етказди.

Ўтмишга танқидий баҳо бериш ижобий ҳаракатлар, амалий, бунёдкорлик ишлари учун бошланғич нуқта бўлиб қолиши керак. Орттирилган ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибадан сабоқ ва хулосалар чиқара туриб, ғайрат-шижоатимизни қайта қуриш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган конкрет ишларга йўналтиришимиз зарур.

Жадаллаштириш стратегияси тўғрисида гапирганда шу йўлни амалга ошириш чоғида вужудга келадиган қийинчиликларни камайтириб кўрсатиш керак эмас. Бурилишга эришиш учун техника ва технологияда, меҳнатни ташкил этиш ва унинг маданиятида, ишга муносабатда ва иқтисодий тафаккур усулининг ўзида чуқур, сифат ўзгартишлари қилиниши лозим. Жадаллаштириш ва қайта қуриш — мавҳум тушунча эмас, шунчаки шиор ёки чақириқ ҳам ва ҳар хил тарқоқ қоидаларнинг йиғиндиси ҳам эмас. Бу — ҳамманинг жонажон иши, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг конкрет ишидир. Бунда кузатиш пунктида, бунинг устига ниқоб кийиб олиб ўтирилиш ва теварак-атрофда нималар содир бўлаётганлигини хотиржам кузатиб туриш мумкин эмас. Бунда амалий ҳаракатлар, актив гражданлик позицияси зарур.

Жадаллаштириш — марксча-ленинча йўл-йўриқлар ва қоидаларга таянадиган мунтазам, яхлит концепциядир.

В. И. Ленин совет ҳокимиятининг тонготаридаёқ мамлакатимизнинг социализм сари ҳаракатини жадаллаштириш йўллари тўғрисида фикр юритиб, шундай деган эди: «Ҳар қандай ўзгаришларнинг хаёлий тезлик билан юз беришига бизда ҳеч бир киши ишонмайди, лекин ҳақиқий тезликка, тарихий тараққиётнинг, унинг бўлиб ўтган ҳар бир даврига нисбатан эришилган тезликка,— ҳаракатга чинакам революцион партия раҳбарлик қилганда, бундай тезликка биз ишонамиз ва биз ҳар қандай қилиб бўлса ҳам шундай тезликка эришамиз».

Лениннинг мамлакатни олға ҳаракат қилдириш тезлигига комил ишончи биз учун ҳозир ҳам жадаллаштириш ва қайта қуриш амалга оширишда илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўртоқлар!

Партия билан халқ ҳозир олиб бораётган иш, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида қайд этиб ўтилганидек, чуқур революцион моҳиятга, режаларнинг большевикларга хос дадиллигига, уларнинг инсонпарварлик социал йўналишига кўра, Ленин партияси 1917 йилнинг октябрь кунларида бошлаган буюк зафарларнинг давомидир.

Бу йилги Ленин санаси шу жиҳатдан айниқса диққатга сазоворки, у шонли юбилей — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрам қилинадиган йилда нишонланмоқда. Бу революция XX асрнинг энг асосий буюк воқеаси бўлди, инсоният ҳаётида янги давр бошланганлигидан дарак берди, жаҳон тараққиётининг бош йўналишларини ва асосий тенденцияларини белгилаб, муқаррар жараённи — капитализм ўрнига янги, Коммунистик, ижтимоий-иқтисодий формация келиши жараёнини бошлаб берди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида қайд этиб ўтилганидек, давр революциямизнинг мислсиз аҳамиятини чуқур очиб бериб, социалистик ижтимоий тараққиёт яратиб берадиган жуда катта имкониятларни намоён этди. Биз англаган, биз ҳис этган, Октябрь — совет кишиларининг энг олий миллий ифтиҳоридир. Революция оммa тарихий ижодкорлигининг мислсиз равнақи, музаффар халқнинг энг буюк ғалабаси бўлди.

Улуғ Октябрь, социализм Ватанимизни иллатлар ва кулфатлардан ҳалос этди. Бундай иллатлар ва кулфатлар дунёдаги кўпгина мамлакатлар халқларининг ҳаётини шу пайтгача ҳам заҳарлаб келмоқда. Бизда одамни одам эксплуатация қилиши тугатилган. Ишсизлик йўқ, миллий зулм йўқ, қашшоқлик ва саводсизлик йўқ. Меҳнат аҳли социал жиҳатдан ҳимоя қилинган шароитда эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшамоқда.

Биз ғалабаларга осонликча эмас, балки ниҳоятда зўр баҳодирона куч-ғайратлар эвазига, кўп миллатли Ватанимиз халқларининг мардлиги ва матонати эвазига эришдик. Большевизмнинг шонли анъаналарига асос солган ленинчи революционерларнинг, Ильич сафдошларининг қаҳрамонона жасоратлари, Россиядаги учта революция қатнашчиларининг ҳамда капиталистлар ва помешчикларнинг халққа зид манфур ҳокимиятини ағдариб ташлаган фидокор курашчиларнинг номлари совет кишиларининг миннатдор хотирасида абадий яшайди. Гражданлар урушининг қаҳрамонлари ва биринчи беш йилликларнинг жонбозлари, социалистик қурилиш кашшофлари тўғрисидаги муқаддас хотира ҳеч қачон сўнмайди. Биз совет кишисининг — Улуғ Ватан урушида халқимизнинг куч-қудрати ва руҳининг улуғворлигини намойиш этган солдат ҳамда меҳнатчининг ўлмас жасоратига қойил бўлиб, уларга алоҳида миннатдорчилик туйғуси билан ҳурмат билдирамиз.

Социализмнинг бутун бир даврга хос ғалабалари тўғрисида гапирар эканмиз, Ленин ғояларини, у ишлаб чиққан миллий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакатнинг тенг ҳуқуқли эркин халқлари ихтиёрий равишда ягона кўп миллатли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашганлигини, барча миллатлар ва элатларни Владимир Ильич таълим берганидек, жуда тўла ишончга, қардошларча бирликни равшан англашга асосланган ягона оилага жипслаштириш ғоят буюк аҳамиятга эга бўлганлигини ватанпарварлик ва интернационал ифтиҳор туйғуси билан таъкидлаймиз.

Ўзбекистон ССР совет республикаларининг қардошларча ҳамдўстлигида катта, машаққатли ва шонли йўлни босиб ўтди. Ҳар жиҳатдан-иқтисодий, социал, маданий жиҳатдан ниҳоятда қолоқ бўлган халқ икки ёқлама — чор самодержавиеси ва маҳаллий бойлар, феодаллар томонидан эзиб келинган собиқ мустамлака чекка ўлка Ленин партиясининг доно раҳбарлиги, улуғ рус халқининг, СССРдаги барча халқларнинг тинимсиз ёрдами туфайли юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланди.

Кўп тармоқли саноат, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, маориф соҳасида эришилган муваффақиятлар, шаҳар ва қишлоқларнинг янги социалистик қиёфаси, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг кўпдан-кўп кадрлари халқ талантларининг равнақ топиши, янги инсоннинг — оташин совет ватанпарвари ва интернационалистнинг камол топиши — ҳозирги совет Ўзбекистонининг қиёфасини белгилаб бераётган жиҳатлардир. У қудратли иқтисодий ва маънавий потенциалга эга. Ўзбекистон меҳнаткашлари ана шу потенциали тўла-тўкис ишга туширишни, мавжуд ғовлар ва қийинчиликларга, вужудга келган турғунлик жараёнларига барҳам беришни, бунёдкорлик фаолиятининг ҳар бир участкасида ғайратшижоатни икки карра, уч карра оширишни, қайта қуриш ишини жадалроқ олға силжитишини — мана шуларнинг ҳаммасини бундан буёнги тараққиёт сари, республикамизнинг мамлакат яхлит халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга, кўп миллатли Ватанимиз қудратини янада кучайтиришга қўшадиган ҳиссасини ҳар томонлама кўпайтириш сари олиб борадиган йўл деб билмоқдалар.

Ўртоқлар!

Социалистик қурилишнинг неча ўн йиллари мобайнида эришган ютуқларимиз манзараси улуғвордир. Аммо ҳозирги масъулиятли давр бизни янги ишларга даъват этмоқда. Астойдил дадиллик, тезлик, қатъият билан олға бориш лозим бўлиб қолган ҳамма вақтда биз худди шундай қилган эдик, лозим бўлиб қолган тақдирда яна ва ҳали кўп марта шундай қила оламиз, деб ишда муваффақият тилаган эди Ленин.

В. И. Ленин совет тузуми ўрнатилаётган унутилмас даврда социалистик жамиятнинг истиқболи тўғрисида, янги бурилиш ҳақида гапириб ва ўртага қўйилган мақсадга эришилажагига астойдил ишонч билдириб, қуйидагиларни уқтирган эди: «Биз иқтисодий сиёсатимизни қайта қуришдан иборат зарур ишларни бошладик. Биз бу соҳада баъзи — албатта, кичик, жузъий, бироқ, ҳар ҳолда шубҳасиз, ютуқларга эгамиз. Биз ҳозир бу янги «илм» соҳасида тайёрлов синфини тамом қилаётирмиз. Биз мустаҳкам туриб ва қунт билан ўқиб, ҳар қадамимизни амалий тажрибада синаб кўриб, бошланган ишимизни бир неча марта қайта ишлашдан, ўз хатоларимизни тузатишдан қўрқмасдан, уларнинг аҳамиятини диққат билан ўқиб бориб, бундан кейинги синфларга ҳам ўтамиз... Биз бу «курсни» тамом қиламиз, ва ўз ишимизни охиригача — ғалаба қозонишгача олиб борамиз». Ильич ана шундай зўр ишонч билан гапирган эди! Совет халқи Лениннинг мана шу доно маслаҳатига муттасил амал қилмоқда.

Ўзгарган шароитларда совет жамияти динамизми, тараққиёт поғоналардан тез кўтарилаборишқобилияти яна синовдан ўтмоқда. Бизнинг давримиз — ғоят катта ўзгаришлар даври. Бу — ўзини тозалаш ва туб ўзгартишлар давридир. Бу — қийин, аммо ниҳоятда мароқли давр, жамият ўз кучларига ишонч орттираётган, гражданлик жиҳатдан камол топаётган ва ватанпарварларга хос тиниб-тинчишни билмайдиган даврдир. Бу — жуда чуқур қайта қуриш давридир. Қайта қуриш жараёни ғоядан ўтиб чуқурлашиб бормоқда, жамият турмушининг тобора янги-янги соҳаларини қамраб олмоқда.

КПСС XXVII съездидан кейин орада бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, аслида ишлар эндигина авж олдирилаётган бўлсада, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ унинг дастлабки натижалари кўриниб тирибди. Жамият ҳаракатга келди. Ижобий тенденциялар тобора кучаймоқда, янги маънавий муҳит вужудга келмоқда. Экономикадаги ўзгаришлар сезилиб турибди, уни хўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги методларига ўтказиш юзасидан жиддий ишлар бошланиб кетди. Социал соҳа томон бурилиш қилинмоқда. СССР халқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар юзасидан планда белгиланган марралардан ўзиб кетди.

Ўзбекистон, жумладан унинг пойтахти — Тошкентнинг ҳам ишлаб чиқариш ва социал турмушида айрим ижобий силжишлар содир бўлмоқда. 1986 йилги ва 1987 йил бошларидаги якунлар шундан далолат бермоқда. Республика саноати товар маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи квартал планини 101,3 процент бажарди. Планга қўшимча 73 миллион сўмлик шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 5,8 процентни ташкил этди. Чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планлари бажарилди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун кўп иш қилинмоқда.

Бироқ эришилган натижаларга баҳо бериш чоғида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг кўрилаётган чора-тадбирлар ва бажарилаётган ишлар ҳамма жойда ҳам тўпланиб қолган проблемаларнинг миқёслари ва ўткирлигига мос келмаётганлиги, етарли даражада самарадорлик ва ҳўжумкорлик билан амалга оширилмаётганлиги тўғрисидаги кўрсатмасига асосланиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми қайта қуриш соҳасида республикада амалга оширилаётган ишларга принципиал позицияларда туриб баҳо бериб, бизда яхшилик сари ўзгаришлар ниҳоятда секинлик билан бормоқда, деган хулосага келди. Ишлаб чиқариш ва социал соҳанинг айрим участкаларида намоён бўлган бироз силжишлар ҳали асло янгича иш сифатини билдирмайди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг кўпгина йўналишлари ҳамон бир жойда депсиниб турибди, баъзи йўналишларда эса, ҳатто илгари қўлга киритилган позициялардан чекинилмоқда.

Биз шу йилнинг биринчи кварталларида якунлар таҳлилига мурожаат этиб, республиканинг жами ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалини ишга туширишнинг ўзи ҳали зарур чоралар кўрилмаганлигига яна ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Саноатда маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятларни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш плани тўла бажарилмади. Ҳар беш корхонанинг бири ушбу кўрсаткич юзасидан топшириқларни уддалай олмади, салкам 103 миллион сўмлик, шу жумладан Тошкент бўйича 25 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Тўла хўжалик ҳисобига

(Давоми 2-бетда).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА, ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтган бирлашмалар ҳамда корхоналар қоníқарсиз ишламоқда. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан меҳнат унумдорлиги 1,4 процент пасайди, ишлаб чиқаришнинг мароми, буюм ҳиллари бўйича, янги техника ва технологияни жорий этиш юзасидан планнинг бажарилиши таъминланмади.

Маҳсулот сифатини кескин яхшилаш, давлат қабули шароитида корхоналарнинг аниқ-пухта ишлашини таъминлаш борасида қатъий чоралар кўрилмади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо, маиший ва транспорт хизмати соҳасида жиддий бурилишга эришилгани йўқ.

Республика агросаноат комплексида амалда қатъий ўзгартишлар содир бўлмади. Шу пайтгача, хўжаликларнинг кўпчилигида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш эскича методлар асосида юритилмоқда, харажатларни контрол қилишнинг чек системаси билан таъсирчан хўжалик ҳисобини қўлланиш, деҳқончилик ҳамда чорвачиликда коллектив ва оилавий пудратни интенсив технологияни жорий этиш каби янгиликлар қийинчилик билан ўзига йўл очмоқда. Моддий техника ресурсларидан, айниқса техникадан унумсиз, кўп ҳолларда эса хўжасизлик билан фойдаланилмоқда. Озиқ-овқат программаси энг муҳим бўлимлари юзасидан ниҳоятда қоníқарсиз бажарилмоқда.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик уюмлари ва қатламларини узилкесил тозалаш учун ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Биз ишларимизни тезроқ, айтиш мумкинки, йўл-йўлакай ўнглаб олишимиз, шу беш йилликнинг ўзидаёқ одамларга экономикамиз зўр динамизмининг, бошланган бутун қайта қуришнинг самараларини, аввало, социал соҳа орқали ҳис этишларига имконият яратиб бериш мақсадида тартиб ўрнатишимиз шарт.

Ўн иккинчи беш йилликнинг кейинги йиллари каби бу йил ҳам барча кадрларимиз учун, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи учун имтиҳон бўлиб қолиши лозим. Бу имтиҳон шубҳасиз қайта қуришнинг чинакам жонкуярларини юзага чиқаради ва фаол ишга жалб этади. Шу билан бирга у эски методларга қаттиқ ёпишиб олган, замон талабларини англай-олмайдиган ва англашни истамайдиган кимсаларни йўлдан четга чиқишга мажбур қилади.

Жадаллаштиришга, бутун турмушимиз сифатини оширишга фақат бир йўл билан — самарали, юқори унумли меҳнат билангина эришиш мумкин. В. И. Ленин янги жамият қурилиши вазифаларини ҳал этишда айни ишлаб чиқариш жонли жиддий муваффақият гарови, деб билган эди. У Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси билан «ҳақиқатан **кенг**, ҳақиқатан **оммавий** кўламда ишга солиш учун, меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига тортиш учун «имконият пайдо бўлдики», «улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар, ўзларининг лаёқатларини ўстираоладилар, талантларини юзага чиқара оладилар, бу лаёқат ва талантлар эса халқда тўлибтошиб ётибди...», деб таъкидлаган эди.

Миллион кишилар учун фидокорона меҳнат мактабига айланган социалистик мусобақа Ленин ҳулосалари ҳаётийлигининг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади. Лекин мусобақани қатъий равишда қайта қуриш, уни хўжакўрсинликдан тозалаш, мусобақани хўжалик юритишнинг янги системаси муваффақиятли амал қилишини белгилаб берадиган кўрсаткичларга, маҳсулотнинг юксак сифати учун, тежамкорлик ҳамда маҳсулот етказиб бериш интизоми учун курашга қаратиш йўлида кўп иш қилишга тўғри келади.

В. И. Ленин туғилган кун арафасида шонли анъанага мувофиқ ўтказиладиган коммунистик шанбалик—18 апрель куни катта умумхалқ байрами сифатида зўр ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган ҳолда ўтди. Шанбалик совет кишиларининг Буюк починга садоқатини, уларнинг революцион тарзда ишлашга азму қарорини зўр куч билан намойиш қилди. Республикамизда шанбаликда 9 миллиондан ортиқ киши қатнашди. Улар зарбдор вахтада туриб меҳнат қилдилар.

Шу куни корхоналарнинг коллективлари салкам 45 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Беш йиллик фондига шанбаликда ишлаб топилган салкам 8 миллион сўм ўтказилди. Агар коммунистик шанбаликни ташкил этишда ҳам бир қанча жойларда намоён бўлган машъум расмиятчилик бўлмаганда эди, бу кўрсаткичлар янада юқори бўларди.

Коммунистик шанбаликларни янада ривожлантириш мактаби бўлиши—ишга халқ манфаатларига муносабат мактаби бўлиши кераклиги ҳақидаги Ленин васиятларини ҳамиша ёдда тутиш лозим.

Ўртоқлар!

Партия ленинча анъаналарга амал қилиб, инсон омилини активлаштиришни совет кишилари ҳаёт фаолияти барча жиҳатларини такомиллаштиришнинг қонуний натижаси, деб ҳисобламоқда. Уларнинг конкрет эҳтиёжлари, манфаатлари, уларни маънавий юксалтириш тўғрисида, КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ, социал снёсатни амалга ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг доимо диққат-марказида бўлиши керак. Социал масалаларга зўр эътибор бериш — ленинча энг яхши снёсатдир.

Одамлар ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ўз ичига олувчи муҳим тадбирлар бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, бизда кўпгина социал масалалар ҳанузгача йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан ҳал этилмоқда. Бу эса уй-жой қурилишидаги қолоқликда, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва савдо ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиши лозим бўлган бир қанча бошқа соҳалар ишидаги жиддий камчиликларда ўз ифодасини топмоқда.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг социал масалаларни тўғри ҳал қила билиш, одамларнинг юқори унум билан меҳнат қилиши учун, уларнинг ҳаёти ва турмуши учун қулай шароитларни яратиш — ҳар қандай раҳбар снёсий етуклиги ва ишчанлигининг сўзсиз мезони деган, кўрсатмасини эслатиб ўтиш зарур.

Моддий ва маънавий омиллар системасини, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш халқ фаровонлигининг ўсиши билан чамбарчас боғликдир, булар социал адолат принципларига риоя этишнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Владимир Ильич социализм учун ёт ҳодиса ҳисобланган моддий бойликларни тақсимлашдаги текисликка қарши чиқиб: «Зарбдорлик — афзал кўришдир, афзаликка яраша таъминот бўлмаса, бу афзал кўришнинг қадри бўлмайди. Агарда мени жуда афзал кўрсалар-у, менга нимчорак қадоқ нон берадиган бўлсалар, бундай афзаллик ўзларига буюрсин. Зарбдорликда афзал кўриш-истеъмолда ҳам афзал кўриш демакдир. Шундай бўлмас экан, зарбдорлик — ҳом хаёл, ҳавойи гап бўлиб қолади, бизлар бўлсак ҳар ҳолда материалистлармиз», —деб таъкидлаган эди.

Одамларни ҳалол меҳнат — ҳар бир гражданнинг энг муҳим бурчи эканлигини, бу Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратининг, ҳар бир оила моддий фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи эканлигини чуқур англаб етиш руҳида мунтазам тарбиялаш муҳимдир. Шу билан бирга биз текинхўрлар ва дангасаларга қарши, ҳар қандай йўллар билан давлатдан кўпроқ ундириб олишга, давлатга эса камроқ беришга ҳаракат қилувчиларга қарши, олғирлар ҳамда меҳнатсиз даромад қилувчи юлғичларга қарши бундан буён ҳам қатъий кураш олиб боришимиз лозим.

Чунки ҳаммага маълумки, ҳозирча бизда ортиқча ҳақини тўламасанг квартирани ремонт қилдира олмайсан, ёки водопровод кранини тузаттира олмайсан, доридармон ёки яхши китоб, самолётга ёки пассажир поездига билет сотиб ололмайсан, меҳмонхонага жойлаша олмайсан, баъзан эса қабристондаги ишларни ҳам пулсиз битказа олмайсан. Мана шу ўта кетган шармандагарчиликлар ҳокимият органларининг кўз олдида бўлаяпти. Меҳнаткашларнинг ҳақли равишда ғазабини қўзғатаётган бундай бемазагарчиликларни қатъий тугатиш лозим.

КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ меҳнатсиз даромадларга, чайқовчилик, порахўрлик, ўғирлик билан шуғулланувчиларга, давлат мулкидан бойлик орттириш мақсадида фойдаланувчиларга ҳамда социалистик турмуш тарзига ёт бўлган бошқа ҳунук ҳодисаларга қарши кураш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни бутун халқ якдиллик билан маъқуллади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан тўла таъминлаш проблемаси ҳамон кескинлигича қолмоқда. Юзлаб эмас, балки, кўп минглаб кишилар ҳеч қаерда ишламайдилар, жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмаяптилар, уларнинг анчагина қисми текинхўрлик билан кун кечирмоқда, меҳнаткаш халқ ҳисобига яшамоқда. Бундай тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволга қачонгача чидаш мумкин? Бу соҳада чалакам-чатти тадбирлар билан чекланиш мумкин эмас. Мана шу одамларнинг ҳаммасини унумли меҳнатга жалб қилиш учун қонун кучидан ҳам, бутун жамоатчиликнинг таъсир кучидан ҳам фойдаланиш лозим.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, ҳозир кооперация ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти проблемаларини ҳал этишга янгича ёндашув ишлаб чиқилган. Хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, қундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш соҳасида, маҳаллий саноат системасида кооперативлар ташкил этиш учун шароит яратилмоқда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонун 1987 йил 1 майдан кучга киради. Бу қонун гражданларнинг ташаббускорлигини рўёбга чиқариш ҳамда социалистик омилкорликни ривожлантириш учун имконият беради. Бу ишлар қоғозбозликка кўмилиб кетмаслиги ва расмий тадбирларга айланиб қолмаслиги жуда муҳимдир.

Партиямиз революцион ўзгартишларни амалга ошириш мақсадида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини кенг демократиялаштириш йўлига дадил ўтди. Демократиялаштириш — биз истаган жадаллаштиришни берадиган омилнинг ўзидир.

Бу йўналишда ҳаракат қилишнинг асосий йўллари ҳам белгилаб берилди. Ваколатли ва бевосита демократиянинг ҳамма формаларини ривожлантириш, ўзини-ўзи бошқаришни ҳамма жойда кенгайтириш, меҳнат коллективларининг, советларнинг, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, одамларнинг ҳуқуқлари, қонунчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий гарантияларини мустаҳкамлаш, шунингдек ўтмиш нуқсонларини бартараф этиш учунгина зарур бўлмай, шу билан бирга олға томон ҳаракат қилиш учун, ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш, оммани снёсий активлик ва масъулият руҳида тарбиялаш учун ғоят зарур бўлган ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид ана шундай йўллардир.

Бугун биз хатоларимизни хато, деб айтишдан, ожизлигимизни ожизлик деб айтишдан қўрқмай, камчиликларимиз ва проблемаларимиз тўғрисида баралла ошкора гапиряпмиз. Бугун биз ишларимизни янада яхшилашнинг энг мақбул йўлларини топиш учун турлича фикрларни эркин қиёслаяпмиз. Экономика ва социал-снёсий соҳада биз дадил экспериментлар ўтказяпмиз, чунки фақат эркин, ақидалар ва тақиқлашлар билан бўғиб қўйилмаган фикр, фақат чинакам ижодий изланиш, янгича ёндашувлар, тафаккурнинг янги психологияси чинакам самара беришини, ҳаракатимизни жадаллаштиришини биламиз.

Партия ҳозирги шароитда совет снёсий системасини оғишмай ривожлантириш, социалистик демократияни янада кенгайтириш имкониятларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишни зарур, деб ҳисоблайди. Ҳозир кўпгина партия, совет ва жамоат ташкилотларида, корхоналарда, ижодий союзларда раҳбарлар янгича сайланмоқда, конкурс системаси, ходимларни аттестациядан ўтказиш ҳаётимизга тобора кенг кириб келмоқда. Бу демократиялашни чуқурлаштиришдаги муҳим қадамдир. «Омма ўзига раҳбарлар танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак,— деб ёзган эди В. И. Ленин.— Уларни ўзгартиришга, улар фаолиятидаги ҳар бир қадамни билиб-текшириб туришга омма ҳақли бўлмоғи лозим».

Ҳозирги шароитда оммани кайфияти ва фикр-мулоҳазалари билан яшайдиган, актив социал снёсатни ўтказадиган, ленинча раҳбарлик услуби ва методларини мустаҳкамлайдиган, юксак снёсий ва маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган, ўз соҳасининг билимдони бўлган ва юксак малакали, ҳамма келиб гаплаша оладиган ва демократик, программавий мақсадларни кундалик ташкилотчилик ишлари, хўжалик ва тарбиявий ишлар билан маҳкам боғлай оладиган раҳбаргина обрў қозона олади.

Партия демократиялаштириш йўлини амалга ошира бориб, СССРнинг снёсий негизи, халқ социалистик ва ўз-ўзини бошқаришнинг асосий бўғини бўлган халқ депутатлари Советлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилмоқда.

КПСС XXVII съезди маҳаллий Советлар фаолиятига алоҳида эътиборни жалб этиб, улар халқ оммасини мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга сафарбар этишнинг энг самарали бўғинларидан бири бўла олиши мумкинлиги ва шундай бўлиши лозимлигини таъкидлади. Сўнгги вақтда маҳаллий Советлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди, бу қарорлар Советларнинг ўз территорияларида чинакам ҳокимият органлари сифатида иш кўришларига қаратилган.

Бизда Советларнинг актив фаолиятини кўрсатувчи мисоллар бор. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳали ўз фаолиятини партия талаблари руҳида қайта қуриб олгани йўқ. Кўпгина Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари эскирган иш формалари ва методларига асир бўлиб қолмоқдалар, бир қолипда иш қилишдан ва кўрсатма кутиш кайфиятларидан қутилганлари йўқ. Тегишли ташаббус билан чиқмаяптилар. Юқоридан кўрсатма бўлганидагина ҳаракат қилишдек эски одатдан қутилганлари йўқ. Худди шоир айтганидек бўлаяпти:

Узоқни кўзлаш на ҳожат,
Кўрсатма келар тайёр.
Бош қотришга на ҳожат,
Ўйлайдиган бошлиқ бор.

Советлар янада самарали ишлашлари, маҳаллий турмуш масалаларини жадал ҳал этишлари, ўз фаолиятида демократик асосларни кучайтиришлари, ошкораликнинг ҳамма формаларини кенгроқ ривожлантиришлари, сессияларни ўтказиш практикасини яхшилашлари, доимий комиссиялар ишини кучайтиришлари, депутатлар сўровини кенгроқ ўрганишлари, сайловчилар наказларини бажарилишини таъминлашлари керак. Ўз-ўзидан равшанки, барча депутатлар активлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиздаги барча қардош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шу йил июнь ойида маҳаллий Советларга сайлов ўтказилади ва халқ судлари сайланади. Бу ғоят муҳим ижтимоий-снёсий кампаниядир. Партия бизнинг эътиборимизни шу йилдаёқ Советларга сайловлар янада кенг демократизм шароитида, одамларнинг ана шу жараёнда манфаатдорлик билан иштирок этиши шароитида ўтказилишига қаратмоқда. Эксперимент тарзида биринчи марта айрим район ва шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларига кўп мандатли округлар бўйича сайлов ўтказилади. Халқ судлари сайловига ҳам ўзгартишлар киритилди. Лекин ҳозир авж олиб бораётган сайлов кампаниясининг бошланишидаёқ айрим жойларда эски формаларга ёпишиб олиш ҳоллари юз бераётганлигига, яна ҳамма нарсани олдидан белгилаб қўйиш, фармон қилиш методларига ёпишиб олиб, демократиялашдаги депутатликка номзод қилиб кўрсатилаётган баъзи раҳбарлар обрўсига салбий таъсир қилишидан чўчимоқдалар. Эски даврга қайтиш йўқ. Бу нарса ҳамма учун равшан бўлиши керак.

Партия демократияни кенгайтириб, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаб, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, халқ контролининг, барча жамоат ташкилотларининг активлигини ошириб, шахснинг обрў-эътиборини кўтариб, меҳнат коллективларининг, гражданларнинг ҳуқуқларини бутун чоралар билан муҳофаза этиб, социализмнинг энг қудратли бунёдкор кучи — озод мамлакатдаги эркин инсонинг эркин меҳнатига имконият яратиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кўриб чиққан қайта қуриш шароитида партиянинг кадрлар снёсати масалалари социализм қурилиши учун бебаҳо инсон омилларидан тўла фойдаланиш тўғрисидаги ленинча фикр, ленинча ғоялар билан йўғрилган. В. И. Ленин кадрларни, одамларни танлашни «ҳамма ишларнинг негизи» деб ҳисобларди. Партия белгилаган вазифаларнинг моҳияти энг аввало, кадрлар снёсатини социал-иқтисодий жадаллаштириш учун курашнинг асосий йўналишлари билан узвий боғлиқ бўлган чинакам замонавий снёсатига айлантиришдан иборат.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми таъкидлаганидек, ҳозир энг муҳими партия, давлат, хўжалик ва жамоат ишлари ҳар бир бўғинига партия ва халққа садоқатли одамлар, турғунлик ва қолоқликни тугатишга, янгиланиш йўлини ижодкорлик билан ўтказишга қодир бўлган чинакам новаторлар бошчилик қилишига эришишдир. Улар ғоявий қатъият, юксак партия ва давлат интизоми, топширилган ишни чуқур билиш, ҳаллолик, софлик, матонат, камтарлик, социалистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекинишларга муросасизлик намуналарини кўрсатишлари лозим. Ҳар қандай мослашувчилардан, мансабпарастлардан, устомонлардан, таъмагирлик, молпарастлик, маънавий нопоклик, таниш-билишчилик, оилавийлик, қариндошуруғчилик билан коммунист ва совет раҳбари номига доғ туширувчилардан ҳеч иккиланмай халос бўлиш лозим. Муттаҳамлар, давлат мулкини талон-тарож қилувчилар, порахўрларни қутқариб қолишга уринаётган кишилардан партия Устави ва совет қонунларига мувофиқ жавобгарликни талаб қилиш керак. Коммунистнинг, ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир ходимнинг ҳалол ва пок қиёфаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — бизнинг муқаддас бурчимиз.

Бугун биз ана шуларга эътиборни яна бир бор қаратар эканмиз, экономика ва социал соҳалардаги қўпол ўпирилишлар учун Ўзбекистон ва унинг партия ташкилоти шаънига XXVII съезд ҳамда КПСС Марказий Комитети январь Пленумида айтилган қаттиқ танқиддан жиддий хулосалар чиқариб олиш ғоят зарурлигини кўзда тутамиз. Экономика ва социал соҳадаги ўпирилишлар танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги, интизомнинг бўшашиб кетганлиги, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, кадрларнинг найранглар, ўғирлик, порахўрлик, қонунни бузиш йўлига ўтиб, бузилганлиги оқибатида вужудга келган салбий жараёнлар натижасидир.

Биз ўтмишда нималар бўлганини унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки агар биз уларни унутадиган бўлсак, барча салбий ҳодисаларни шафқатсизлик билан, таг-томири билан қўпориб ташламасак ва қайта қуришимизда улардан қатъий қутилмасак, у ҳолда ҳеч иш қила олмаймиз. Икки хил аҳлоқ, сўз билан иш ўртасидаги чуқур тафовут, республика партия ташкилотига Рашидов бошчилик қилган узоқ бир даврдаги каби турмуш ва фаолиятнинг ленинча асосларидан чекиниш пировардида нималарга олиб боришини эсда тутишимиз шарт.

«Шароф Рашидовчилик» —фитначилик ва таҳқирлашнинг, мунофиқлик ва иккиюзламачиликнинг, виждонсизлик ва пора беришнинг, маҳмаданалик ва мақтанчоқликнинг синоними бўлиб қолди.

Минбарлардан туриб ҳалоллик, софдиллик ва масъулият тўғрисида қасам ичиб даъватлар қилишди, амалда эса порахўрлик, алдаш ва кўзбўямачилик авж олдирилди.

Минбарлардан кадрларни танлашнинг ленинча принципларига риоя қилиш тўғрисидаги талаблар янгради, айни пайтда бу талаблар сурбетлик билан топталди, раҳбарлар атрофларига ўз одамларини, мансабпарастларни ва лаганбардорларни тўплаб олдилар ва ҳатто, айтиш мумкинки, мансабларни очиқдан-очиқ сотиш билан шуғулландилар.

Минбарлардан дадил танқид қилиш шиори янгради, ҳақиқатда эса раҳбарларнинг яроқсиз методлари ва қонунсизликка қарши гапиришга ботинган кишилар турли йўллар билан ёмонотлиқ қилинди ва шафқатсиз таъқиб этилди.

Минбарлардан туриб камтарлик тўғрисида тўхтовсиз гапирилди, айни пайтда олий мукофотга фақат ўзини кўрсатиш давом этди, жойларда чўнтагида партия билети, кўксига олтин юлдуз ва лауреатлик белгиларини таққан янги чиққан ўзбек хони учун хашаматли меҳмонхоналар ва уларга олиб борадиган махсус йўллар қуриш рағбатлантирилди.

Минбардан туриб, ҳақиқат тўғрисида гапирдилар, амалда эса олти миллион тонналик пахта тоғлари тўғрисида уялмай-нетмай сохта рапортлар бериш билан шуғулландилар, рапортбозлик ишқибозлари қўшиб ёзишнинг рашидовча технологиясини тинимсиз кўкларга кўтариб мақтаб, гўё айни улар ўзларининг «олтин қўллари» билан «оқ олтин» яратган қилиб кўрсатиб, қаҳрамон бўлиб кўкракларига уриб юрдилар.

Республикада вужудга келган энг хунук шаклдаги ғоят хавфли салбий ҳодисаларнинг характери ва кўламлари ҳаммага маълум. Жиноят йўлига кирган жуда кўп мансабдор шахслар, шу жумладан юксак лавозимларни эгаллаб турган шахслар ҳам жиноий ва партиявий жавобгарликка тортилди.

В. И. Ленин порахўрлик йўлига ўтиб олган мансабдор шахсларга қарши мутаҳамлар, фирибгарлар ва бошқа нобакорларга қарши нақадар ғазаблариб гапирганлигини, бундай аблаҳларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш учун уларнинг адабини бериш кераклигини, уларни аёвсиз суд қилиш зарурлигини таъкидлаганини, сўнгра у бундай виждонсизлар «бир умр эслаб қоладиган қилиб таъзири берилишини, «бундақанги ярамас кишиларга қарши кураш охиригача олиб борилишини» эслайлик. Биз ҳамиша Ленин ўргатганидек иш тутишимиз, қонунларимиздан заррача ҳам чекинишга йўл қўймаслигимиз лозим.

Биз КПСС Марказий Комитетининг аралашуви, унинг бевосита раҳбарлиги ва кундалик ёрдами туфайлигина республикамизда салбий жараёнлари таг-томири билан тугатиш учун тартиб ўрнатиш, вазиятни қатъий соғломлаштириш учун кураш авж олиб кетганлигини тўла тушинамиз.

Бу соҳада кўп иш қилинди. Лекин барча салбий ҳодисалар муросасизлик билан, таг-томири билан тугатиш жараёни бундан буён ҳам сира бўшашмай давом этиши учун, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳодисалар янада тикланишига олиб келадиган сабабларни бутундай тугатиш учун қатъият билан ва кўп иш қилишимизга тўғри келади.

Партиянинг кадрлар снёсатига мувофиқ, амалга оширилаётган чинакам турли чора-тадбирлар доирасида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг кадрларни интернационал жиҳатдан чиниқтиришни кучайтириш ва уларни партия ҳамда давлат ишлари тажрибаси билан бойитиш учун республикалар ва регионлар ўртасида, маҳаллий ва марказий органлар ўртасида кадрларни айирбошлашни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқлари катта аҳамиятга эгадир. Бу ленинча анъана ҳозир қайта тикланди.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистоннинг партия, давлат ва хўжалик органларини синалган кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан амалга ошираётган чоралар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бу кадрлар ишчанлик ва партиявий принципиаллик намунасини кўрсатиб, ишимизга ижодий омил бағишламоқдалар, уни мамлакатимиз партия ташкилотларида тўпланган қимматли тажриба билан бойитмоқдалар.

Эндиликда республикамизнинг юзлаб ёш ва истиқболли ходимлари марказий органлар, министрликлар, идоралар аппаратларига, мамлакатдаги йирик индустриал марказларнинг партия комитетларига ишга ҳамда Москва, Ленинград, Саратов, Свердловск, Новосибирск ва бошқа шаҳарлардаги олий партия мактабларига ўқишга юборилмоқда. Кадрлар малакасини ошириш, улар хўжалик юритишнинг янги методларини, замонавий техника ва технологияни ўзлаштиришларини, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини ўрганишларини таъминлаш мақсадида 500 га яқин раҳбар ва мутахассис ҳамда маҳаллий миллат вакилларидан оммавий касбдаги салкам ўн минг ишчи Совет Иттифоқининг марказий районларига стажировкага юборилади.

Бизнинг вазифамиз — ана шу имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланишдан, марказда, мамлакатнинг етакчи бирлашмаларида, корхоналарда ва ташкилотларида стажировкадан ўтиш учун тўла масъулият билан одамларни танлашдан иборат.

Мана шундай ошиб бораётган вазифалар шароитида, — деди КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида ўртоқ М. С. Горбачев, — биз кадрларимизга мурожаат этамиз. Улардан ишда уюшқоқлик ва аниқлик, меҳнат коллективларининг ижодий кучлари ва имкониятларини зўр бериб сафарбар этиш маҳорати талаб қилинади... Аслида ҳаммамиз социалистик қурилишнинг барча соҳаларида раҳбарликнинг янги методларини эгаллашда етукликнинг снёсий имтиҳонидан ўтишимиз лозим.

Партия оммани ғоявий-снёсий жиҳатдан тарбиялаш, идеологиянинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, одамларнинг маънавий дунёсини бойитиш, кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш вазифаларини қайта қуриш вазифалари билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда кўриб чиқмоқда. Бироқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III ва V пленумларида айтиб ўтилганидек, идеология ишларидаги камчиликлар суст бартараф этилмоқда, яхшилик сари зарур бурилишга эришилмади. Идеология соҳасида кампанячилик, пропаганданинг турмушдан ажралиб қолиши ва етилган проблемаларнинг қанчалик ўткир эканлигига етарли баҳо бермаслик, сафсатабозлик, лоқайдлик кўринишлари каби жиддий камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Яқин вақтларгача республикада идеология ишининг олдиндан ўйлаб қўйилган кўпдан-кўп комплекс планларига зўр бериш сезилиб турарди, амалий иш эса орқага суриларди, уларнинг ташаббускорлари эса ана шу планлар атрофида шовқин-сурон вазиятини вужудга келтирардилар. Атеистик тарбия заиф соҳа бўлиб қолмоқда. Марксча-ленинча ўқув системасида, одамлар билан якка тартибда иш олиб боришда муҳим силжишларга эришилмади. Идеология иши партия учун ҳамиша зарбдор фронт бўлиб келди. Меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва совет Ватанига садоқат, пролетар, социалистик интернационализм, меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатда бўлиш, социализмга, маданиятимизга ва коллектив аҳлоққа ёт бўлган ҳамма нарсаларга муросасизлик руҳида тарбиялаш идеология ишининг асосий мезонларидир.

ВЛКСМнинг яқинда бўлиб ўтган XX съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сўзлаган нутқида айтиб ўтилганидек, ёшлар орасида снёсий-тарбиявий ишларни тубдан қайта қуриш айни мана шу руҳда амалга оширилиши зарур. Комсомолнинг асосий вазифаси— ёш авлодда яхлит марксча-ленинча дунёқарашни, социализм идеаллари ва маънавият қадриятларини синфий позицияларда қаттиқ туриб ҳимоя қила олиш маҳоратини шакллантиришдан иборат.

Ижтимоий ўзгартишларнинг янги босқичида санъаткор зиёлиларга нисбатан тобора ошган талаблар қўйилмоқда. Ҳозир республикамизда маданий соҳада ҳам турғунлик психологиясини бартараф этишга оид қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ижодий союзларнинг кейинги вақтда бўлиб ўтган съездлари ва пленумлари ана шу ташкилотлар активлигини ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга улар ижодий жараёнларга ғоят ҳалокатли таъсир кўрсатаётган гуруҳбозлик, қариндош-уруғчилик тўсқинлик қилаётган омиллар эканлигини кўрсатди. Ҳаммадан кўпроқ амалий ишга шай туриш, воқелигимизни акс эттирувчи, совет кишиларининг ғоявий ва маънавий ўсишига кўмаклашувчи, истеъдод билан ёзилган ҳаққоний асарлар яратиш, совет кишиларининг ғоявий ва ахлоқий ўсишига кўмаклашиш — санъаткор зиёлиларнинг, маданият соҳаси барча ходимларининг бурчидир.

Коммунистик партия миллий муносабатларни такомиллаштириш масалаларини доимо диққат марказига қўймоқда. Ленинча таълимот мана шу энг муҳим проблемаларни ҳал этиш йўлида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. КПСС ленинча миллий снёсат принципларига, социализм ғалабаларига таяниб, бу соҳада жуда катта ўзгартирувчилик ишларини амалга оширди. Ўтмишдан мамлакатимизга мерос бўлиб қолган миллий масала муваффақиятли ҳал этилди. Халқларнинг бузилмас қардошларча дўстлиги қарор топди. Совет халқи сифат жиҳатидан янги социал ва интернационал бирлик сифатида намоён бўлмоқда.

Аммо бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнлар соҳасида муаммолар йўқ, деган тасаввур ҳосил қилмаслиги керак. Энг муҳими — миллий жараёнларнинг доимо юзага келаётган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, турмуш ўртага қўяётган масалаларни излаш ва уларга ўз вақтида тўғри жавоб беришдан иборат. Айни вақтда бу соҳада миллий маҳдудликка, маҳаллийчиликка интилишлар, тайёрга айёрлик кайфиятларига ҳали барҳам берилмаган ва бундай кайфиятлар кўпинча нохуш ҳолда намоён бўлмоқда. Бизнинг республикамизда ҳам ана шундай нохуш кўринишлар турлича, кўпинча ниқобланган формаларда юзага чиқмоқда. Биз снёсий сезгирлик намоён этиб, совет халқларининг муқаддас дўстлигига зиён етказишга ҳар қандай уринишларнинг пайини қатъиян қирқишимиз зарур. Бутун турмушимиз, ҳамма ишларимиз, мамлакатдаги қардош республикалар билан мустаҳкамланиб бораётган алоқаларимиз интернационализм, ўртоқларча мадад ва ўзаро ёрдам ҳаракатларининг тўла бирлиги руҳи билан суғорилган бўлиши керак.

Ўртоқлар! Партиянинг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ва совет жамияти турмушининг барча соҳаларини қайта қуришга қаратилган стратегик йўли амалга оширилиши КПСС ва Совет давлатининг ташқи снёсий фаолияти активлашаётганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ташқи ва ички снёсатнинг диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги марксча-ленинча ғоя мана шу йўлда ўз ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги даврида тинчлик учун кураш жаҳон ҳаракатига бошчилик қилмоқда. Советлар мамлакати 1917 йилнинг октябрь кунларида В. И. Ленин таклиф этган ва имзолаган сулҳ тўғрисидаги тарихий Декретдан тортиб, КПССнинг XXVII съездида қабул қилинган урушларсиз ва қурол-яроғларсиз тинчликни таъминлаш комплекс программасигача бўлган тинчлик йўлини босиб ўтди.

Бутун Ер курраси халқлари КПСС, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Снёсий бюроси ташқи снёсатимизни амалга оширишда кескинлик манбаларини тинч йўл билан адолатли бартараф этиш, барча давлатлар билан ўзаро фойдали муносабат йўлларини қанчалик зўр ғайрат, принципиаллик ва дадиллик билан актив қидириб топиб, мустаҳкам принциплар ва позицияларни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганликларини кўриб турибдилар.

Ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётини кўзлаб, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, агрессия ва милитаризм кучларини жиловлаш — СССР ташқи снёсий йўлининг юксак мақсадидир.

Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини жиловлаш учун изчил курашқ олиб борилмоқда. Чунки қуролланиш пойгасининг ҳар бир давраси — ядро ҳалокатига моддий тайёргарликдир. Дадил ва масъулиятли ҳаракат қилиш даври келди. Халқда тўғонни сув тошмасдан қуриш керак, деганларидек тинчликни уруш бошланмасдан мустаҳкамлаш зарур.

Совет Иттифоқининг ядросиз дунёни таъминлашга, ядро аслаҳахоналарини қисқартиришга, янги жаҳон урушининг олдини олишга қаратилган ҳаммага маълум амалий ташаббусларида ташқи снёсатимизнинг жўшқинлиги, ижобий характерда эканлиги, янги мазмуни ўз аксини топган. Бу ташаббусларни Ер юзидаги барча тараққийпарвар ва революцион кучлар, реал фикрловчи барча софдил кишилар кенг кўламда маъқулладилар. Бироқ, АҚШда, НАТОга аъ

РЕВОЛЮЦИЯ ОДИМЛАРИ:

ҲАФТАМА-ҲАФТА

ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ

Бу ҳафта давомида В. И. Ленин ҳар вақтдагидек тинним билмай ишлади. Тезисларда илгари сурилган ғояларни таслимчилар, авантюристлар ва ҳиёнатчилардан дадил ҳимоя қилиб, бир қатор мақола ва рисолалар ёзди, қизғин мунозараларда қатнашди, кенг меҳнаткаш оммага тушунтириб нутқлар сўзлади.

БУТУН ҲОКИМИЯТ — СОВЕТЛАРГА

Доҳий «Апрель тезислари»ни хурсандчилик ва ҳаяжон билан, мамнуният ва миннатдорчилик билан қабул қилганлар ҳам бўлди, унга шубҳа билан, гумон билан қаровчилар, Тезисларни ғазаб билан қарши олганлар ҳам бўлди. Сиёсий эҳтиросларнинг ҳаддидан ошиб, жунбушга келмоқда эди. Ленинча режаларнинг тарафдорлари ва мухолифлари ўртасида тортишув ва баҳслар авж олиб кетди. Кураш энг эзгу ниятлар, энг олий мақсадлар, энг учқур орзулар учун бормоқда, мамлакатимизнинг келажаги учунгина эмас балки башариятнинг нурли истиқболи учун ҳам курашилмоқда эди...

«Апрель тезислари»ни ғазаб ва ғаразгўйлик билан кутиб олган революцион пролетариат душманлари большевикларга қарши туҳмат-бўхтон кампаниясини бошлаб юбордилар. Буржуазия матбуоти, аввало, Ленинга қарши энг разил игвогарлик уйдирмаларини ва қабиҳ ёлғонларни ишга солди. Меньшевик-эсерлар матбуоти Ленин бошлиқ большевикларни Россия революцион демократияси нинг душманига чиқардилар. Меньшевик-эсерларга жўровоз бўлган буржуазия сиёсатбозлари «Ленин ва большевиклар «анархияга» «граждан урушига» даъват қилаётирлар», — дея айюҳаннос солдилар. В. И. Ленин ёлғончилик ва туҳмат ва иборат кампания муносабати билан «Солдатларга ва матросларга» деган мурожаатнома ёзди ва уларнинг асоссиз ва бемаъни уйдирмаларини фош этди...

Партия аъзоларининг аксарияти Апрель тезисларини қизғин маъқулладилар. Н. И. Подвойскийнинг хотирлашича, кўплар Ленин фикрларини ўз фикрлари деб билдилар. Аммо Тезисларни тушунмаганлар ва айниқса тушунишни истамаганлар ҳам бўлди. Чунончи Дан: «Ленин ҳозиргина Россияга келди, у Россияни билмайди...», — дея қичқирди. Церетели Энгельснинг «Германияда деҳқонлар уруши» асаридан олинган, ҳокимиятни бевақт қўлга олган синф ҳалок бўлади, деган парчани рўкач қилиб, Ленин ўзининг Тезислари билан «марксизмни вайрон қилаётир», деб даъво қилди (Аслида бу марксизмни догматик тушунишнинг ўзгинаси эди!). Плеханов эса Лениннинг ўша тарихий нутқини ўзи нашр этаётган газетада «алаҳсираш» деб атади. В. И. Ленин нутқнинг 7 (20) апрель куни «Правда» газетасида босилиб чиққан текстига ёзган изоҳ ва иловасидаёқ оғизда социалист-у, амалда шовинист бўлган бундай бечора рус социал-шовинистларини шармандан-шармисор қилади.

«Апрель тезислари»даги энг муҳим моментлардан бири, шубҳасиз, Советлар масаласи эди. Асардаги ўнта тезисдан бештасининг Советларга алоқадор эканлиги бежиз эмас. Владимир Ильич Маркс ва Энгельснинг давлат тўғрисидаги қарашларини, янги, юқори типдаги демократик давлат вужудга келтириш тўғрисидаги кўрсатмасини бузиб талқин қилаётган ва социализмга ўтиш учун энг яхши давлат формаси сифатида парламентар республикани тавсия этаётган Каутский, Плеханов ва бошқа оппортунистларни фош этди, турмуш парламентар республикага нисбатан янги «олий типдаги демократик давлат»ни келтириб чиқарганлигини кўрсатди. Улуғ доҳий капитализмдан социализмга ўтиш даврида Советлар республикаси парламентар республикага қараганда жамият сиёсий ташкилотининг энг яхши формаси бўлади, деб исботлаб берди. «Парламентар республика тузиш керак эмас, — деб таъкидлади Владимир Ильич, — Ишчи депутатлари Советларидан парламентар республикага қайтиш орқага қайтиш бўлур эди, — балки бутун мамлакатда, қуйидан то юқоригача, ишчи, батрак ва деҳқон депутатлари Советлари республикасини тузиш керак». В. И. Ленин «Апрель тезислари»да илгари сурилган ғояларни турли либос ва хилма-хил қиёфадаги муҳолифлар ҳуружидан ҳимоя қилиб, «Икки дунё», «Луйбланчилик», «Икки ҳокимиятчилик ҳақида» каби мақолалар, «Тактика тўғрисида хатлар», «Революциямизда пролетариатнинг вазифалари» сингари рисолалар ёзди, ишчилар ва солдатлар олдида кўпдан-кўп нутқлар сўзлади.

Чунончи, Владимир Ильич «Икки ҳокимиятчилик ҳақида» мақоласида Советлар — кўпчилик халқнинг революцион-оммавий ташкилоти, унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифодалайдиган, ҳар қандай парламентдан демократикроқ ташкилотдир, улар бутун давлат ҳаёти қурилишида халқ оммасининг қуйидан юқоригача бевосита ва актив иштирок этишини таъминлайдилар, деб кўрсатди. «Ишчи, батрак, деҳқон ва солдат депутатлари Советларидан иборат бундай ҳукумат типидан юқори турадиган, яхшироқ ҳукумат типини инсоният яратган эмас ва биз бу дамгача ундай ҳукуматни билмаймиз», — деб таъкидлади у. Бу чиндан ҳам пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксистик таълимотни бойитган буюк кашфиёт эди.

Юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб Владимир Ильич «Бутун ҳокимият Советларга!» шиорини майдонга ташлар экан, Россиядаги мавжуд шароитда бу шиор буржуа Муваққат ҳукуматини зўрлик билан ағдариб ташлашга даъват этмаслигини тушунтириб берди. Бу ҳукуматни, деб ёзган эди Ленин, ағдариш керак, чунки у халққа сулҳни ҳам, нонни ҳам, тўла эркинликни ҳам беролмайди. Лекин уни дарҳол ағдариб ташлаб бўлмайди ва «умуман одатдаги усул билан «ағдариб ташлаш» мумкин эмас, чунки у буржуазиянинг **иккинчи** ҳукумат томонидан, яъни Ишчи депутатлари Совети томонидан **«қувватланиши»**га таяниб турибди, иккинчи ҳукумат эса, ишчи ва деҳқонлар кўпчилигининг онги ва иродасини бевосита ифода этувчи бирдан-бир мумкин бўлган революцион ҳукуматдир. Империалистик Муваққат ҳукуматга қуролли қарши чиқиш Советларга, ишчи ва солдатларнинг кўпчилигига ҳам қарши чиқиш бўлур эди.

Шу боис вазифа — ишчилар синфининг кўпчилигини, меҳнаткашларнинг кўпчилигини большевиклар томонига оғдириб олишдан иборат эди. Муваққат ҳукуматнинг халққа душман бўлган империалистик моҳиятини очиб ташлаш, уни ишчилар ва солдатларнинг ишончи ва мададидан маҳрум қилиш ва шу тариқа уни ҳокимиятдан четлатиб, бутун ҳокимиятни Советлар ҳукумати қўлига олиб бериш даркор эди...

Муҳожирликдан қайтиб келган куннинг эртасига, яъни 4 апрель куни кечқурун Владимир Ильич «Правда» редакциясига ташриф буюрди, 5 апрелдан эса, бош муҳаррирлик вазифасини адо эта бошлади. «Правда» ўзининг 6 апрель сонида Марказий органнинг эмиграциядан қайтиб келган аъзоси В. И. Ленин редакция составига кирганлигини йирик-йирик ҳарфлар билан, газетанинг кўзга яққол ташланадиган ерида хабар қилди.

Шу кундан эътиборан Владимир Ильич деярли ҳар куни «Правда» редакциясида бўлар, газета материалларини таҳрир қилар, кўпинча газета номери учун катта-кичиқ мақолалар ёзар, ишчи, солдат, деҳқонларни қабул қилиб, улар билан қизғин суҳбатлашарди. Мойка кўчасидаги редакция биносида Ленин раҳбарлигида тез-тез РСДРП (б) Марказий Комитетининг мажлислари ва партия ходимларининг кенгашлари ўтказиб туриларди. Машъум июль воқеаларигача «Правда» редакциясининг биноси большевиклар партиясининг жанговар штаб-квартираси вазифасини ўтаганди...

Шу кезларда «Правда» редакцияси билан Туркистон социал-демократлари ўртасида, Петроград Ишчи ва солдат депутатлари Советининг Ижроия Комитети билан Тошкент Совети ўртасида мунтазам ва мустаҳкам алоқалар мавжуд эканлигини кўрсатувчи фактлар маълум.

«Правда» газетасининг 23, 25, 28 март ҳамда 5 (18) апрель сонларида Туркистондан олиб босилган катта-кичик материаллар юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Хусусан, Фарғона музофотидан олиб босилган «Провинцияда революция» хабари Туркистон ўлкасининг турли чеккаларида революцион ҳаракат тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

В. АБДУЛЛАЕВ.

«МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ СИСТЕМАСИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар

Шу кунларда барча партия, комсомол ташкилотларида «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети қарори лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Унда қатнашаётганлар бу муҳим ҳужжатда партия-комсомол ўқувини такомиллаштиришга, қайта қуриш ва жадаллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этмоқдалар, қимматли, амалий таклифлар киритмоқдалар. Қуйида бевосита сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этиш билан шуғулланувчи айрим партия ходимларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Н. К. САВЧЕНКО,
Чирчиқ шаҳар партия комитети секретари

— КПСС Марказий Комитети лойиҳасини катта қизиқиш ва эътибор билан ўқиб чиқдик. Ҳозир ҳамма партия, комсомол ташкилотларида бу муҳим ҳужжат зўр манфаатдорлик билан ўрганилиб, муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар, комсомоллар, партия ходимлари сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишларини асосан маъқуллмоқдалар. У ўқувни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштиришга, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, жамиятнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш асосий шиори бўлиб қолган давримиз талаблари даражасида бўлишига ёрдам бериши шубҳасиз эканлигини айтмоқдалар.

Шу лойиҳа муносабати билан ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Лойиҳада ўқув курслари сонини кўпайтириш назарда тутилган. Бу умуман муайян бир қурс бўйича мавзуни батафсил ўтиш ва уни чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради. Масалага шу томондан қаралса дурустдек кўринади. Лекин у маълум даражада кийинчиликлар вужудга келтириши ҳам мумкин.

Ҳамма меҳнат коллективларида ҳам шунча турдаги ўқув формаларини йўлга қўйиб бўлмайди. Пропагандистлар тайёрлаш ва ўқувчилар группасини тўлдириш анча мушкул бўлиб колиши мумкин. **Шуни ҳисобга олиб курслар сонини камайтиришни лозим деб ҳисоблайман. Уларнинг айримларини бир-бирига бирлаштириб юбориш мумкин. Айтмоқчиманки, оз бўлсину соз бўлсин.** Шундай килинса, сиёсий ва иқтисодий ўқувга партия раҳбарлиги ҳам енгиллашади, машғулотлар савияси устидан назоратни доим олиб бориш имкони бўлади.

Яна бир мулоҳазали фикримни баён этмоқчиман. У ҳам бўлса комсомол маорифини ташкил этиш тўғрисидадир. Ҳозирги вақтда у мустақил олиб борилмоқда. Бундай мактаблар машғулотларида фақат комсомолёшлар қатнашадилар. Бизнингча, уни партия сиёсий ва иқтисодий ўқувидан ажратиб қўйиш тўғри бўлмаса керак. Комсомолнинг ўқувини ҳам партия маорифи билан бирлаштириб юбориш керак. Комсомоллар ҳам бевосита коммунистлар билан бирга ўқув машғулотларида иштирок этишса фойдадан ҳоли бўлмасди. Ҳозирги вақтда барча совет кишилари олдида, ёшидан, партия ёки комсомол аъзоси бўлишидан қатъий назар, муштарак вазифалар турган бир вақтда партия ва комсомол сиёсий маорифи ҳам шу вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилиши керак. **Шундай экан, коммунистлар ва комсомолларни ягона ўқув формаларига жалб қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Ҳозирги вақтда ёш коммунистларни — резервни тарбиялаш ишига, улар ҳақида ғамхўрлик қилишга эътибор кучаймоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кейинги пленумларида бу масала алоҳида таъкидланмоқда. Демак, уларни ўқитиш қўламини кенгайтириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. **Масалан, ҳар ойда ёш коммунистлар учун қўшимча биттадан машғулот уюштирилса. Бу машғулотларда бевосита улар билан ишлашни яхшилашга доир амалий масалалар, мавзулар ҳақида фикр юритилса айни муддао бўларди.**

С. Ж. ИУЛДОШЕВА,
Оққўрғон район партия комитети секретари

— Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида белгиланган тадбирлар албатта барча коммунистларни, меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан етук фикр юритиш ва ҳаракат қила олиш, назарий билимларни амалда қўлланиш, кўникмаларини кучайтиришга, марксизм-ленинизм асосларини чуқур билиш ва амалий фаолиятда ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда қўлланишга ўргатади.

Биз лойиҳани асосан маъқуллаган ҳолда унга айрим ўзгартиришлар киритилишини истар эдик. Аввало сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг муддатлари ҳақида тўхталмоқчиман. Лойиҳада уни қишлоқда 1 ноябрдан 15 апрелгача ўтиш назарда тутилган. Менимча, қишлоқлар учун бу муддат ончалик қулай эмас. Сабаби ҳаммага маълум. Ўрта Осиё, шу жумладан областимиз, қолаверса, районимиз шароити уни зичлаштиришни тақозо этади. Чунки ноябрь ойининг биринчи ярмида дала ишлари тугамаган, етиштирилган аксарият қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса пахтани йиғиб-териб олиш давом этаётган бўлади. Шундай долзарб вақтда деҳқонлар, пахтакорларни сиёсий ўқишга жалб қилиш қимматли вақтнинг муайян қисмини бой беришга олиб келиши турган гап.

Бизнингча, бу муддатни бир ойга қисқартириш мумкин. Масалан, қишлоқларда сиёсий ва иқтисодий ўқувни 15 ноябрдан бошлаб 1 апрелгача давом эттириш мумкин. Бундан ҳеч нарса ютқазилмайди. Қишлоқ хўжалик ишлари нисбатан камайган бўлади. Шундай шароитда машғулотларни ҳар ойда икки марта, ҳатто уч марта ўтказса бўлади. Шундай қилинганда ўқув программасини бемалол ўзлаштиришлар, машғулотларнинг ўтиш муддатлари қисқариши мавзуни тўлароқ билишга ҳам ёрдам беради.

Комсомолларнинг коммунистлар билан бирга ўқувини йўлга қўйиш тарафдорман. Уларни бўлак-бўлак ўқитиш эскирди, давр талабларига жавоб бермай қўйди. Бунинг иккинчи томони ҳам бор, яъни пропагандистлар тайёрлаш ҳам осонлашади. Илгаригидек, партия ва комсомол ўқувига бошқа-бошқа пропагандистлар тайёрлашга ҳожат қолмайди. Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Қишлов қандай якунланмоқда

«КЎК КОНВЕЙЕР»ДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА 1986 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИДАН 1987 ЙИЛНИНГ 31 МАРТИГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВР ИЧИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА

МАЪЛУМОТ

Районлар	Маҳсулот етиштириш (1985-86 й. қишловига нисбатан процент ҳисобида			Давлатга сотиш 1985-86 йил қишловига нисбатан процент ҳисобида			Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут (килограмм)		
	гўшт	сут	тухум	гўшт	сут	тухум	1985-86 й.	1986-87 й.	+ −
Оққўрғон	102,9	104,3	106,5	101,5	109,9	105,7	968	1008	+40
Оҳангарон	120,6	106,9	133,4	121,6	118,8	139,7	1032	1061	+29
Бекобод	88,9	102,3	101,9	105,9	105,4	102,9	1261	1141	−120
Бўстонлиқ	77,2	109,4	130,9	97,5	117,9	129,4	811	916	+105
Бўка	80,3	107,3	67,0	82,7	109,6	63,4	1003	1042	+39
Ғалаба	150,6	123,9	107,4	129,7	119,4	126,8	1195	1304	+109
Калинин	109,5	116,2	103,9	111,6	123,0	98,9	1196	1313	+117
Коммунистик	129,1	115,2	159,1	111,7	115,0	96,7	1306	1457	+151
Оржоникидзе	100,6	104,7	111,5	99,4	110,4	118,0	1155	1177	+22
Паркент	112,3	112,8	65,5	127,2	112,8	57,9	933	1036	+103
Пискент	82,5	106,2	201,7	123,6	108,2	2,3 марта	1058	1271	+213
Ўрта Чирчиқ	79,3	105,9	109,1	99,0	106,6	110,7	1026	1170	+144
Тошкент	104,1	104,3	63,2	102,5	102,4	81,4	1491	1450	−41
Чиноз	50,9	100,0	103,6	54,9	105,9	106,3	1568	1578	+10
Янгийўл	107,5	115,7	157,1	117,8	109,7	176,3	1139	1220	+81
Область бўйича	105,6	109,2	110,9	109,1	111,7	113,2	1138	1220	+82

1986—1987 йил қишлови якунланмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун астойдил курашаётган областимиз чорвадорлари маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилиб, бирмунча яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Барча турдаги чорва ва парранда маҳсулдорлиги сезиларли даражада ошди. Маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш ҳажми кўпайди. Айни кунлардаги вазифа — бу кўрсаткичларни амалий иш билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам бунга эришиб бўлмаяпти. Қишловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида айрим хўжаликларда нуқсонларга йўл қўйилди. Ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилмади. Бу ҳол биринчи квартал кўрсаткичларининг бирмунча пасайиб кетишига олиб келди. Масалан, Бўка районн хўжаликларида 1985—1986 йил қишловига нисбатан гўшт ва тухум етиштириш, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районларида эса гўшт етиштириш ва тайёрлаш, Тошкент районида эса тухум етиштириш ҳажми камайиб кетди.

Оққўрғон районидаги Куйбишев ва Ҳ. Олимжон номли колхозларда гўшт тайёрлаш, «Партия XXII съезди», «Озод» ва Охунбобоев номли колхозларда сут соғиб олиш планларининг бажарилиши таъминланмади.

Бекобод районидаги «Авангард» ва Колпакова номли, Бўка районидаги «Кремль» ва «Гулистон» совхозларида, Ғалаба районидаги «Победа» колхози, Калинин районидаги Оржоникидзе ва Куйбишев номли, Оржоникидзе районидаги «Маданият», «Коммунист», «Правда», Ленин номли колхозлар, «Қибрай», Оржоникидзе номли, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозлари, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Охунбобоев номли колхозлар, «Тошкент», «Ленинград» совхозлари, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Карл Маркс номли, «Қизил Октябрь», Навоий номли, Киров номли, «Москва», Энгельс номли колхозлар, «Янгнобод», «Олмазор» совхозлари, Янгийўл районидаги «Ленинизм», «СССР 60 йиллиги», «Партия XXI съезди» колхозларида ҳам давлатга сут сотиш квартал планлари бажарилмади.

Мазкур хўжаликлар ўз районларида давлатга сут сотиш планининг бажарилишини хавф остида қўймоқдалар.

Сутнинг кўпайиши чорва молларининг тўйдириб боқилишига боғлиқ, албатта. Бу йил баҳор серёғин келди. Оралиқ экинлар одатдагига қараганда 10—15 кун олдин етилди. Уни ўриб, кўк озуқа сифатида барвақт едириш имкониятлари туғилди. Ана шу имкониятдан оқилона фойдаланилса, ҳар бош соғин сигирдан ўтган йилнинг шу даврида-гига қараганда икки-уч килограммдан ортиқ маҳсулот олиниши мумкин. Бироқ, кўпгина районларда, хусусан, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги паст. Сабаби маълум: рационда кўк озуқа етишмаяпти. Ваҳоланки, оралиқ экинлар ўз вақтида ўрилиб, ерлар бўшатилмаса дон ва силос учун маккажўхори экиш ишлари чўзилиб кетади.

Оққўрғон, Оҳангарон, Оржоникидзе, Паркент, Чиноз ва Янгийўл районларида чорвани урчитиб кўпайтириш ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда сигирлар ва ғунажинлардан насл олиш кам бўлиб қолмоқда.

Агросаноат ходимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар ферма ва комплекслардаги ҳақиқий аҳволдан бехабар қолаётганликлари, чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик ишлари кучайтирилмаганлиги, уларнинг куч-ғайрати давлат планларининг бажарилишига тўла сафарбар этилмаётганлиги туфайли ана шундай камчиликлар содир бўлмоқда.

Шу кунларда ҳар бир хўжаликда қишловнинг якунларини пухта таҳлил қилиш керак. Сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, ферма ва комплексларда ишни ҳар жиҳатдан яхшилашга қаратилган зарур тадбирларни белгилаш ва бу тадбирларнинг беками-кўст жорий этилишига эришиш зарур. Ҳар бир район, колхоз ва совхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг асосий вазифасидир.

Ҳамма ерда меҳнатни ташкил этишда қатъий талаб ва интизом бўлсин. Хўжаликнинг ички эҳтиёжи учун чорвачилик маҳсулотнинг ортиқча сарф қилиб юборилишига йўл қўймайлик. Фермаларда озуқадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш керак.

Чорвани урчитиб кўпайтиришга алоҳида эътибор талаб этилади. Беш йилликнинг келгуси йилида чорва моллари бош сонини кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратайлик. Бунинг учун урғочи моллардан самарали фойдаланиб, уларни яхши боқиб, яхши сақлашга, ўз вақтида қочириб, кўплаб насл олишга эътибор берайлик.

АЁЛЛАРГА — ГУЛЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика хотин-қизларининг V съезди олдидан «Гуллар кўргазмаси» намойиш этилмоқда.

Мазкур кўргазмада томошабинлар уч кун мобайнида «Тошкент гуллари» савдо фирмасининг кала, чиннигул, тувакли гул ҳамда уйда ўстириладиган турли гул навлари билан яқиндан танишиб, харид ҳам қиладилар.

Қ. ЭРДОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТАСОДИФИЙ ҲОДИСАМИ ЁКИ КЎРИБ КЎРМАСЛИККА ОЛИШМИ?»

«Тошкент ҳақиқати»нинг 1986 йил 25 декабрь сонида эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақолага Пискент район партия комитетидан олинган жавоб газетанинг шу йил 15 февраль сонида эълон қилинган эди. Лекин ана шу жавобда ноаниқликка йўл қўйилган: яъни район давлат страхованиеси ходими И. Назирқуловнинг фамилияси бошқа сохта муллалар қаторига нотўғри қўшиб юборилган.

Аслида И. Назирқулов оилада тўй қилган пайтида фарзандини диний никоҳ ўқитишга йўл қўйганлиги учун коммунист сифатида жиддий огоҳлантирилган.

Район партия комитетидан олинган жавобни босишга тайёрлашда ана шу ноаниқликка йўл қўйган тегишли ходимлар жиддий огоҳлантирилди.

МАҚСАДИ ҚАЙТА ҚУРИШ

Тошкент темирйўл бўлинмасининг Бўзсув станцияси бошлиғи Собир Саидкамолов навбатдаги машғулотни якунлар экан, ҳар галги одатидек тингловчиларга савол назари билан тикилди. Шу чоқ орқароқда ўтирган коммунистик меҳнат зарбдори, поезд тузувчи Феоктисов «менда савол бор» дегандек оҳиста қўлини кўтарди.

— Хўш-хўш, Николай Алексеевич, марҳамат!

— Менда бир мулоҳаза бор,— деб сўзини давом эттирди ишчи, — гап шундаки, сиз бу ерда талайгина адабиётларни тилга олдингиз. Аммо биз ўзимиз мустақил ўқиш учун етарли китобларга эга эмасмиз. Айниқса, сиёсий ва янги бадиий адабиётлардан қийналяпмиз...

Бу масала фақат Феоктистовнинг фикри эмаслиги Собир акага маълум эди. Шунинг учун станция бошлиғи ўз тингловчиларининг ана шу истакларини ҳам алоҳида ҳал этилиши зарур бўлган масала сифатида ён дафтарчасига ёзиб қўйди.

Пропагандистнинг фикрича, сиёсий ўқув — бу фақат маълум тезислар асосида машғулотлар олиб бориш деган гап эмас. Авваламбор тингловчига ишда ва турмушда маънавий туртки бериши, ундаги қизиқишни ошириш, унинг турли масалаларга доир ўз фикр-мулоҳазаларини уйғотиши лозим. Ҳар доим шунга эришмоқ керак.

Ҳа, бу бежиз эмас. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида шундай дейилади: **«Пропагандистлар сафи кенг билимга эга бўлган, назарияга, ва омма билан мулоқотда бўлишга моҳир, таҳлилий ва ўзига хос фикрлай оладиган, коммунистик идеалларни далил исботлар билан қаттиқ туриб ҳимоя қила оладиган, душман идеологияси ва ахлоқига қарши муросасиз курашда оладиган, партия XXVII съезди қабул қилган қарорлар, қайта қуриш йўли ҳаётий зарурат эканлигига астойдил ишонч ҳосил қилган кишилар билан тўлдирилиши керак».**

Собир Саидкамолов ана шундай моҳир пропагандистлар сирасига киради. Ҳар доим кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олади, масалага коллектив манфаатлари нуқтаи назаридан қарайди. Айни вақтда у сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотларига пухта тайёргарликни ҳам назардан қочирмайди. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, кундалик матбуот унинг доимий ҳамроҳи.

— Шу пайтгача сиёсий ўқувдаги қуруқ қироатхонлик, юзакичилик бизни қийнаб келди,— дейди у,— одамлар бундай машғулотларга баъзан вақт ўтказиш учун кирадиган бўлиб қолишди. Ўқув жараёни эса зерикарли ермакка айланди. Лойиҳада ана шундай эскича муносабатни ўзгартириш ҳақида яхши фикрлар айтилганлиги бизни хурсанд этди. Уни амалга ошириш аввало ўзимизга боғлиқ.

И. ЗИМИН,
меҳнат ветерани, пенсионер.



ТОШКЕНТ районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари қишловни муваффақиятли якунлашмоқда. Хўжаликда соғин сигирлардан йил бўйи мўл ва серқаймоқ сут соғиб олишга эришилмоқда. Айни кунларда ҳам сигирлар маҳсулдорлиги 12—13 килограммдан пасаймаяпти. Бундай юқори натижаларга эришишда сут-товар фермасидаги озуқа цехининг роли катта бўлаётир. Бу ерда мавжуд ем-хашак қайта ишланиб, тўйимлилиги оширилиб молларга едирилмоқда. Суратларда: (чапда) озуқа цехи оператори Обид Шамсиддинов бошқарув пульти ёнида; навбатдаги қайта ишланган озуқа махсус прицепга ортилмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ ОҲАНГАРОН ВА ҒАЛАБА РАЙОНЛАРИДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

ДАРЁ БОШЛАНГАН ЖОЙДА

Район партия комитети инструктори Абдусамад Абдулҳақов бугун тонггача навбатчилик қилиб, ҳозиргина бироз мизғиб келгани уйига кетган экан. Тунда қандай воқеалар содир бўлган бўлса, ҳаммасини навбатчилик дафтарига ёзиб қолдирибди.

Серёгин тунда Оҳангарон шаҳри яқинидаги Барраж гидроузели канали бўйлаб секундига 300 кубометр сув оқа бошлади. Бироздан сўнг Шоввасой суви ҳам қўшилиб 760 кубометрга етди. Энди қирғоқлар торлик қилиб қолди. Ун комбинати, ичимлик суви йиғиладиган иншоот атрофларини бўтана оқава босди, йўллар ювилиб кетди. Бутун шаҳарнинг тинчи бузилди.

Район партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Федорин Шоввасойни жиловлаш ишларига бош бўлгани юқори зонага жўнаб кетди. Район партия комитети инструкторлари Илёс Иброҳимов билан Роман Островский кран ва экскаваторлар излашга тушишди, автокорхона раҳбарларини оёққа турғизишди. 4-кўчма механизациялашган колонна бульдозерлари дарҳол Шоввасойнинг юқори оқимидаги дамбаларни мустаҳкамлашга киришди. Ёрдамга келган КрАЗлар шаҳарга хавф солаётган каналлар қирғоғига тош-шағал тўкиб кўтара бошлади.

Ўша дамларда Ангрен дарёси жуда ҳам қутуриб кетган эди. Тоғларга ёғаётган сел ва жала дарё сувини бир неча метр баландга кўтариб юборди. Сувнинг бир қисми шитоб билан сойларга оқаётган бўлса, яна бир қисми боғ ва экинзорларни босди. Хавф тобора кучайиб борарди. Ҳайқириб оқаётган дарё Ангрен сув омбори яқинидаги Қайрағоч ва Чувилдон дамбаларини уриб кетса борми, унда Серго номли, Ворошилов номли совхозларнинг сув остида қолиши турган гап эди. Тошкин шу водий бўйлаб тўғри Олмалиққа кириб боради.

Серго номли совхознинг 4-бўлим бошқарувчиси Мирзаахмад Эркабев дарё соҳилидаги хавфли вазиятни тезда район раҳбарларига телефон орқали маълум қилди. Район ижроия комитети раиси М. Қодиралиев ва РАПО раиси В. С. Урядов орадан бир соат ҳам ўтмай совхозга етиб келдилар. Тунда дарё соҳилига яқин қишлоқлардан одамлар шошилинч тарзда бехавотир жойга кўчирила бошланди. Совхоз партия комитети секретари А. Хўжаёров ва Сусан қишлоқ Совети раиси С. Иўлдошев бу ишга бош-қош бўлдилар. Эрталаб соат 6 гача 9 та аҳоли пунктидан 244 хўжаликнинг 1800 аъзоси эвакуация қилинди. Чорва моллари эса фермалардан шошилинч тоққа ҳайдалди. 4-бўлим гаражи марказий устахонага кўчди. Идора ҳужжатлари темир сандиқларга жойланиб, бехавотир жойга элтиб қўйилди.

Шу дамларда кучли оқим Чувилдондаги 80 метрлик дамбани уриб кетди. Совхоз ишчиларидан тузилган зарбдор группалар пишқириб қирғоққа ураётган сув йўналишини ўзгартириш мақсадида қучоққа сиғмайдиган дарахтларни кесиб келиб, ўпирилган дамба ўрнига боса бошладилар. Кўп ўтмай марказдан самосваллар, бульдозерлар етиб келди. Ҳамма қирғоқни мустаҳкамлашга киришди. 110 та самосвал тиним билмай қирғоқнинг 400 метрлик қисмига харсангтош ва плиталар ташишга тушди. Лекин оқим ҳеч бўйсунмасди. Тўкилаётган тошларни пишқириб ўз қаърига тортарди.

Икки кунлик тинимсиз курашдан сўнггина кучли оқим йўналиши бироз бўлса-да, ўзгарди. Шу дамларда яна бир группа машиналар Қайрағоч дамбасини мустаҳкамлаш билан банд эди. «Ташметрострой» трести, Олмалиқ, Ангрен, Жиззах автобазаларидан ёрдамга келган транспортчилар кун-тун ишлаб, дамба атрофларини тош-шағалларга тўлдириб юбордилар. Табиий офатнинг олдини олиш бўйича тузилган район штаби аъзолари хавфли нуқталарда бажарилаётган барча ишларни бошқариб турдилар. Серго номли совхоз мутахассислари куну-тун улар ёнида бўлдилар. Боғ инженер Иброҳим Эргашев мавжуд техниканинг ҳаммасини тўла ишга солди. Ўзи ҳам, механизаторлар ҳам тиним билмади.

Қайрағоч ва Чувилдон дамбалари ёнида рўй берган жиддий хавф-хатар оммавий жасорат туфайли бартараф этилди. Дамба ва қирғоқлар яна ҳам маҳкамроқ қилиб шиббаланди. Дарё инсон измига бўйсунмоқда.

Совхоз ишчилари ҳозир ўз юмушлари билан банд. Далаларга асосий тур экинлар экиб бўлинди. Униб чиққан ниҳоллар парвариши бошланди.

Ж. НОСИРОВ,
А. ҒУЛОМОВ.

● **СУРАТЛАРДА: Олмалиқ шаҳридаги 80-автобаза ҳайдовчиси Рустам Дадабоев Ангрен дарёси дамбаларини мустаҳкамлашда актив иштирок этмоқда; дарёнинг Серго номли совхоз ерларига туташ қирғоғида.**

Ж. Номозбоев фотолари.





ХАВФ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

ҒАЛАБА. 23 апрель куни эрталаб район радиоузелидан навбатдаги эшиттириш берилди. Бу эшиттириш бошланишидан олдин эса сув тошқинини бартараф этиш район штабининг сўнгги хабари эълон қилинди. Галаботир қишлоғи ёнидаги Оққўрғон ва Ғалаба районлари чегарасидаги гидроузел билан 10-коллектор канали оралиғидаги дамба қайтадан тикланди. Асосий хавф бартараф этилди. Ўжар дарё суви ўз ўзанига қайтарилди. Эрталаб соат 7.00 дан бошлаб дарёда ва ҳамма суғориш тармоқларида сув нормал оқа бошлади.

Аммо бу осонликча бўлмади. Сув уриб кетган дамбани тиклаш учун кечаси билан ишлашга тўғри келди. Одамлар тиним билишмади. Қудратли техника, машиналар ёрдамида бу иш кўзлангандек тугалланди. Тошқинни бартараф этишга сафарбар этилган бошқа бир группа аъзолари эса тошқин юз берган жойлардаги сувни қайтадан дарёга тушириш билан шуғулланишди. Шунингдек, айрим ерлардан сув насослар ёрдамида тортиб олинди.

Солдатский луб заводи посёлкасидаги тошқиндан қаттиқ зарарланган уйларнинг 20 таси авария ҳолатида эканлиги аниқланди. Комиссия аъзолари оилаларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўрдилар. Шу куннинг ўзидаёқ 80 га яқин вагон-уйлар келтирилди.

Район йўлларида Янгийўл, Олмалиқ, Чиноз, Оққўрғон районларининг автохўжаликларидан ҳамда колхоз ва совхозлардан ёрдамга келган юк машиналари тинимсиз қатнаб турибди. Улар кўмагида Ангрен дарёсининг қирғоқлари мустаҳкамланмоқда.

Солдатский шаҳрида, райондаги барча қишлоқларда ва аҳоли пунктларида нормал ҳаёт давом этяпти.

ОҚҚЎРҒОН. 22 апрель куни бўлиб ўтган тошқин бу районга ҳам катта хавф солди. Агар қатъий чоратадбирлар кўрилмаса, 7-кўчма механизациялашган колонна, стадион, чойхона ва музика мактабининг биноларини сув босиши мумкин эди. Ана шундай вазиятда «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 7-механизациялашган кўчма колонна экскаваторчиси Владимир Гаран сергаклик билан ҳаракат қилди. Қисқа фурсатда хавф туғилган жойлардаги аҳоли кўчирилди, бинолардаги жиҳозлар бехатар ерларга олиб чиқилди. Аммо сувнинг йўлини тўсиш учун қирғоқни кўтариш, шу билан биргаликда икки километр масофада ариқ қазиб, уни ўзанга улаш керак бўлди.

— Биз бу топшириқни олган заҳотимизоқ ишга киришдик, — дейди В. Гаран. — Дарёнинг ўзанига параллел равишда йўл очиш учун тўрт соат талаб қилинарди. Аммо биз уни уч соатда уддаладик. Бу секундига 150 куб метрга яқин сувни қайтадан дарёга туширишга юбориш имконини берди. Акс ҳолда бизнинг районимиз территориясида ҳам тошқин юз бериши мумкин эди.

Ҳа, ўша куни гидроузелда Владимир билан биргаликда гидроузел бошлиғи Иван Лемешкин, ишчи ва механиклар Аҳмад Баҳодиров, Ноиб Давлетшин, Ринат Шайдулинлар ҳам жонбозлик кўрсатишди.

Бугун Оққўрғон райони хўжаликларида, саноат корхоналарида ҳам иш бир маромда давом этмоқда. Асосий хавфни мардонавор бартараф этган кишилар ўз иш жойларида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

В. БЕКМЕТОВ,
Ф. МУҲИДДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: тошқин зиён етказган хонадонлардан бири; карьерда.

А. Зуфаров фотолари.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

КОНГРЕСС РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

✦ ВАШИНГТОН, АҚШ президенти Рейган билан давлат секретари Шульц сешанба куни Оқ уйда республикачиларнинг конгресс-даги раҳбарлари билан учрашдилар. Оқ уй вакилининг маълум қилишича, улар конгресс аъзоларига давлат секретарининг Москвада ўтказган музокаралари тўғрисида, Совет Иттифоқининг Европадаги ўртача олислик ядровий ракеталари ва оператив-тактик ракеталарни тугатиш хусусидаги таклифлари тафсилотлари ҳақида ахборот бердилар.

Оқ уй вакилининг ибораси билан айтганда, АҚШ президенти СССР билан Европадаги ядро қуролининг шу системаларини тугатиш соҳасида бир битимга эришиш истиқболларини «умидворлик билан, аммо реалистик» баҳолайман, деб айтган. «Чамаси, Совет Иттифоқи ўртача олислик ядровий ракеталари проблемаларини ҳал этишда олга силжишни хоҳлайди, бироқ, ҳали кўпгина баҳсли масалаларни равшанлаштириш лозим», — деди Оқ уйнинг вакили. Шу билан бирга Америка президенти совет таклифларига ҳозирча аниқ ижобий жавоб қайтаролмаслигини шама қилиб ўтди. Чунончи, у ўртача олислик ядровий ракеталари юзасидан шу йил Совет — Америка битими тузилиши мумкинми, деган саволга жавоб қайтариб, «мен тахминлар қилишга журъат этмоқчи эмасман», деб айтди.

АРГЕНТИНАДА ЯНА ИСЁН КЎТАРИШ ЙЎЛИДАГИ УРИНИШ БАРБОД БЎЛДИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 22 апрель. (ТАСС). Аргентина пойтахтидан 1600 километр шимоли-ғарбдаги Сальта шаҳри гарнизонида 250 нафар офицер ва солдатнинг яна исён кўтариш йўлидаги уринишн барбод бўлди. Мазкур офицер ва солдатлар бу ердаги ҳарбий базани олти соат мобайнида қўлдан бермай турдилар. Исёнчилар ҳарбий диктатура ҳукмронлиги йилларида инсон ҳуқуқларини бузишда ва ўзгача фикрловчилардан ўч олишда айбдор бўлган ҳарбий хизматчилар устидан ўтказилаётган суд мажлисларини тўхтатишни маъмурлардан талаб қилдилар. Бироқ, база дарвозаси ёнига тўпланган Сальтанинг минглаб аҳолиси исёнчиларнинг шаҳар устидан назорат ўрнатиш учун қилган уринишларига йўл қўймади. Сальта вилоятининг губернатори Роберто Ромеронинг хабар қилишича, аҳолининг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмаган исёнчилар исённи тўхтатиб, маъмурларга таслим бўлишдан бошқа илож тополмадилар.

Аргентина Компартияси аҳолига, сиёсий партияларга мурожаат этиб, мамлакатда давлат тўнтариши қилинишига йўл қўймаслик учун куч-ғайратларни бирлаштиришга чақирди. Айни вақтда у умуммеҳнат конфедерациясини ҳарбийларнинг яна исён кўтариш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарши норозилик белгиси сифатида умуммиллий забастовкасини ўтказишга даъват этди. Газеталарнинг хабар қилишича, умуммеҳнат конфедерациясининг раҳбарияти мамлакатдаги демократиялашув жараёнини ҳимоя қилиш чораларини кўриш мақсадида бугун шошилинч мажлис ўтказишни тайинлади. Аргентина ташқи ишлар ва диний ишлар министри Данте Капуто вужудга келган вазият муносабати билан ўзининг чет элга қиладиган сафарини кечиктирди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ МАНАГУА. Кейинги вақтларда тинч аҳолига қарши газандалик ҳаракатларини кучайтириб юборган сотқин сомосачилар яна бир жиноят қилдилар. Никарагуа олтин ҳарбий округининг қўмондонлиги сешанба куни хабар қилишича, ўтган ҳафтада қурол-ланган ганзадаларнинг бир тўдаси шимолдаги Пантасма шаҳри яқинида юк транспортини пистирмадан, ўққа тутди. Сомосачилар икки шоферни шафқатсизларча ўлдирдилар.

✦ РИМ. Италия парламентининг депутатлар палатасида янги ҳукумат бошлиғи Аминторе Фанфаниннинг душанба куни тақдим этган ҳукумат программаси юзасидан ўтказилаётган муноза-рада Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алессандро Натта сўзга чиқди. У мамлакат қонун чиқарувчи олий органи муддатидан илгари тарқатиб юборилишига қарши чиқаётган барча сиёсий кучларни янги ҳукуматга ишонч билдирмасликка чақирди.



ЖОСУС ҲУКМ ҚИЛИНДИ

НИКОСИЯ, 22 апрель. (ТАСС). Эрон суди АҚШ граждани Жон Пэттисни жосуслиги учун ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар берди бугун ИРНА ахборот агентлиги. Ж. Пэттис Америка разведкаси учун мудофаа характеридаги маълумотларни тўплашда айбланиб, ўтган йилнинг июлида Теҳронда қамоққа олинган эди. Ўша йилнинг октябрь ойида у Теҳрон телевидениеси орқали гапириб, АҚШ марказий разведка бошқармасининг ходими эканлигига иқрор бўлганди. У Эронга биринчи марта 1969 йилда келган, сўнгра бу ерда кўп йиллар мобайнида Асадоббддаги йўлдош алоқа марказида ишлаган, шу марказга, Эрон экономикасининг, жумладан нефть қазиб чиқариш саноатининг аҳволига таллуқли муҳим ахборотлар билан марказий разведка бошқармасини таъминлаб турган.

● **КУБА. Карденас шаҳридаги вагонсозлик заводида шундай қулай вагонлар (суратда) ишлаб чиқарилмоқда. Бундай вагонлар тайёрлаш ҳисобига 1990 йилгача Кубадаги пассажир вагонлари паркининг 60 процентини янгилаш планлаштирилган.**

АДН—ТАСС фотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

• СПОРТ •

ФИНАЛГА ЧИҚИШОЛМАДИ

✦ ЕВРОПА чемпионлари кубоги мусобақасида қатнашаётган Киев динамочилари ўз майдонларида Португалиянинг «Порто» клубини қабул қилишди. Маълумки, иккинчи ҳафта аввал сафарда бўлган биринчи учрашувда совет футболчилари 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган эдилар. Жавоб учрашувида ҳам Португалия футболчилари 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар ва қитъа чемпионлари кубоги финалига чиқишди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

✦ ФРАНЦИЯНИНГ икки шаҳри — Сэн-Мало ва Монтегюда 16 ҳамда 17 ёшли футболчилар ўртасида халқаро турнирлар бўлиб ўтди. Монтегюда 16 ёшгача бўлган спортчилар баҳсида СССР терма командаси Франция футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, учинчи ўринни эгаллади. Сэн-Малода эса 17 ёшгача бўлган футболчилар мусобақасида қатнашган ватандошларимиз финалда ГДР командасига 0:2 ҳисобида ютқазиб, иккинчи ўринни олишди.

ҚАҲРАМОН ХОТИРА-СОВРИНИ УЧУН

✦ ТОШКЕНТДА волейбол бўйича Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов хотира-совринни учун Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Барча учрашувларда ғолиб келган ивановолик спортчилар бош соврин эгаси бўлишди. РСФСР командаси иккинчи, республикамиз вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

ГУЛНАЗИРАНИ КЎРГАН БОРМИ?

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари 1980 йилда туғилган Сманлова Гулназира Қирғизбоевнани қидирмоқда. У 1986 йил 18 июлда кўчага ўйнагани чиқиб, уйига қайтиб келмаган.

УНИНГ ҚУРИНИШИ: бўйи 80—85 сантиметр, қотмадан келган, қорамағиз, қора кўз, қошлари ёйсимон, сочи қора, калта қилиб қирқилган. Эгнига тим қора гулли оқ кўйлак кийган эди.

Қизчанинг тақдири ёки турган жойи ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлсангиз, яқин атрофдаги милиция органига ёки 02 телефон орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР ДОИРАСИДА ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИ ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ ПОЧТА ОРҚАЛИ ЮБОРИШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

ХАТЛАР ВА БАНДЕРОЛЛАР (оддий, буюртма, қиймати кўрсатилган);

ПОЧТА КАРТОЧКАЛАРИ (оддий, буюртма);

ПОСИЛКАЛАР (оддий ва қиймати кўрсатилган);

ПУЛ БУЮМЛАРИ ЮБОРИШ (почта ва телеграф орқали);

ЕРДА ЮРУВЧИ ТРАНСПОРТ, ҲАВО ТРАНСПОРТИ ВА ҲАР ИККАЛА ТРАНСПОРТ ТУРИ ЁРДАМИДА ЮБОРИЛАДИГАН ПОСИЛКАЛАР.

Қиймати кўрсатилган посилкаларни унинг ичига солинган нарсалар рўйхатини қайд қилган ҳолда жўнатишни тавсия этамиз.

Жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи учун қиймати ли бўлган ҳужжатларни қиймати кўрсатилган хатлар билан юборишни маслаҳат берамиз.

Қиймати кўрсатилган хат ва бандеролларни алоқа бўлимига очиқ ва унинг ичига солинган нарсалар албатта қайд қилинган ҳолда топширилиши керак.

Барча страхование жўнатмалари ҳақини тўлаб олиш шарти билан ҳам юборилиши мумкин.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари уни эгасига топширилгани ҳақидаги билдириш хати бериш йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин (оддий, буюртма ва телеграф орқали).

Оддий, буюртма, қиймати кўрсатилган хатлар авиапочта орқали юборилади. Ерда юрувчи транспорт орқали юборилиадиган ва ТОШКЕНТ шаҳри, ЖИЗЗАХ, СИРДАРЕ, ЧИМКЕНТ областларига жўнатиладиган хатларгина бундан мустасно.

Барча почта жўнатмаларида қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг олти рақамли почта индексини албатта кўрсатиш шарт.

Хатларни 114x162 мм, 162x229 мм, 229x324 мм ҳажмидаги стандарт конвертларда жўнатиш лозим.

Бадиий адабиётларни қиймати кўрсатилган бандеролар билан жўнатишни маслаҳат берамиз.

Агар почтани етказиб бериш ёки индексация юзасидан бирон даъвонгиз ёки саволларингиз бўлса, қуйидаги таблицанинг 1-устунидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.

Агар уйдан чиқмай туриб телеграмма юбориш зарурати туғилиб қолса, Сиз уй телефони орқали уни таблицанинг II-устунидаги телефонларга қўнғироқ қилиб кредитга буюришингиз мумкин.

Шаҳар ва район алоқа узелларининг номи	Почтани етказиб бериш масалаларида мурожаат қилинадиган телефон номерлари	Квартира телефонларидан телеграммалар қабул қилинадиган телефон номерлари
Оққўрғон, район алоқа узели	91543	91290
Ангрен, шаҳар алоқа узели	25564, 25647	27545
Олмалиқ, шаҳар алоқа узели	32803, 42803	42939
Оҳангарон, район алоқа узели	52603	52154
Бекобод, шаҳар алоқа узели	9595	2354, 2471
Бўка, район алоқа узели	35200	35106
Ғазалкент, район алоқа узели	22522, 21913	21108
Гулбаҳор, район алоқа узели	76361	76951, 76943
Зафар, район алоқа узели	52328	52206, 51206
Калинин, район алоқа узели, Свердлов алоқа бўлими	54153	54002
Калинин, район алоқа узели	—	58574
Келес, район алоқа узели	56633	56338
Қибрай, район алоқа узели	61011, 62777	61160, 61147
Нариманов, шаҳар алоқа узели	61936	61268
Паркент, район алоқа узели	92103, 92003	92244
Пискент, район алоқа узели	51772	52206
Солдатское, район алоқа узели	74281, 72332	72105, 73105
Тўйтепа, район алоқа узели	21865, 21280	21475
Чирчиқ, шаҳар алоқа узели	52626	62835
Чиноз, район алоқа узели	31500, 31150	51307, 32237
Янгиобод, шаҳар алоқа узели	40519	41113
Янгибозор, район алоқа узели	33105	06
Янгийўл, шаҳар алоқа узели	71010, 76725	72103, 72076

ПОЧТА АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АЛОҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 25/IV да **Куёв**, 26/IV да **Зебуннисо** (12.00), **Ойна** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Йиртқичлар орасида» аттракционининг гастроллари** (24/IV да 19.30 да; 25/IV да 16, 19.00; 26/IV да 10, 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Полимерлар химияси ва физикаси институти коллективи полимерлар физикаси лабораториясининг илмий ходими Д. Ваҳобова отаси

Абдулазал ВАҲОБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент
Ленинград кўчаси, 32

Р. 08704. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1579. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12